

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети

“Умумий тарих” кафедраси

IV босқич “А” гуруҳ талабаси

Мўминов Нодирбекнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: 1853-1856 йиллардаги Қрим уруши ва унинг натижалари.

Иш раҳбари:

катта ўқитувчи Д.Мусаев.

А Н Д И Ж О Н - 2 0 1 2 йил

МУНДАРИЖА.

Кириш.....	3
1. XIX асрнинг II - ярмидаги халқаро аҳвол.....	10
2. Қрим урушининг бошланиши жанг ҳаракатлари.....	23
3. Уруш якунлари ва натижалари.....	36
Хулоса.....	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	50
Иловалар.....	52

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида кенг ўзгаришлар даври бошланди. Бу жараён интеллектуал соҳада ҳам ўз аксини топди. Энг асосий ижтимоий гуманитар фан ҳисобланган тарих фани олдида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Тарихни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз И.А.Каримов “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади бу исботлаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур”¹.

Мустақилликка эришишганимиздан кейин халқимизнинг ўз герби, тили, маданияти, қадриятлари, тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

Бирон бир жамият маънавий имкониятларини одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда, мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маъданий қадриятлари маънавий мероси минг йиллар мобайнида шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий таълиққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан – авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг даслабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келган ғоят улкан, бебаҳо маъданий ва маънавий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан халқнинг маънавий сарчашмаларига унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Тарих хотираси халқнинг жонажон ўлканинг давлатимиз ҳудудининг ҳолис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни таъбир жоиз бўлса миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиясига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишларива жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб ялпи фуқаролик онгини шакллантирмоқда². Тарихий тажриба анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган қадриятларга айланиб қолмоғи лозим.

Халқимизнинг этник маданияти ва диний сабр бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас туганмас манбаидир. Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди.

Бугун биз тарихий даврда халқимиз ўз олдида эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб тинч осойишта ҳаёт кечираётган, аввалам бор ўз куч ва имкониятига таяниб демакратик давлат, фуқаролик жамият қуриш йўлида улкан натижалар қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент.: 1998 й. 5-бет.

² Каримов. И. А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Т. , 1997. 140 бет.

Маълумки биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантириши мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча халқимизнинг табиати яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам истиклолнинг дастлабки кунлариданок бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Агар биз жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак бошқа халқлар ҳам озодлик ва мустақилликни қўлга киритган миллий тикланиш ўз давлатчилигини ҳавас қилса арзийдиган фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш жараёнида ана шундай фазилатларга таяниб ва суяниб барча соҳаларда бу иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими маданият таълим тарбия ва илм фан бўладими ўзининг беқиёс ички қобият ва салоҳиятини ишга солиш уни рўёбга чиқариш ҳисобидан тараққиётга эришганини кўрамыз¹.

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи ўзига хос урф одат ва анъаналари ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди, бу борада табиийки маънавий мерос, маданий бойликлар кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмақда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу кўхна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини саклаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди².

Биз фалсафий жиҳатдан қараганда моддий ва маънавий оламни яхлитлиги хусусида фикр юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки бу кўхна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқеликдир. Шундай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳодда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёқпама қараш ифодаси, деб айтсак, хато бўлмайди. Қолаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан, одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир-оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган. Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратгanning буюк ва сирли

¹ Каримов, И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 26-б.

² Каримов, И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 30-бет.

мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилят ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала.

Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади¹.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади. Биз истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида интилиб келган орзу-мақсадлари ва замон талабларини, дунёвий тараққиёт мезонларини ҳисобга олган ҳолда, жамиятимиз ҳаётида ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратдик.

Мустақиллик биз учун нафақат иқтисодий, балки беқиёс маънавий имкониятлар манбаи эканини англаб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий янгиланиш жараёнларини айнан шу асосда ташкил этишга устувор аҳамият бердик.

Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисининг билим доирасини кенгайтиради. Маънавий тикланиш – фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб ижодий зиёлиларнинг пайдо бўлиши демакдир. Бизнинг тушунишимизча котибқолган эски ақидалардан воз кечиш ўз тарихий ўтмишимиздан воз кечиш дегани эмас бу бир ёқлама ва тор фикрлашдан воз кечиш демакдир, миллий ўз тараққиётида маданий қурилиш вазифаларига дунё миқёсида ёндашиши, бошқа халқларнинг тақдири уларнинг ўзаро муносабатлари билан яқиндан қизиқиши улар ҳаётининг энг теран нуқталарига кириб бориши миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак.

Халқимизнинг келажаги энг аввало унинг ўзига маънавий қудратида ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп аср тарихи давомида доимо унинг энг кучли хусусияти бўлиб келди.

Бизнинг маънавий қадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг қадриятлари билан уйғунлаштириш келажақда янада раванқ топишимизнинг жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.

Жаҳон жамоатчилиги ва хорижий давлатлар мамлакатимизнинг мустақиллигига бефарқ муносабатда бўлмай илк кунларданок давлат сифатида тан олишиб ўзаро алоқаларни ўрнатишган. Ўзбекистонни мустақил ривожланишдаги ўтган қисқа тарихий даврда республикани суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 дан ортиқ давлат тан олган, дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилган, Тошкентда 35 дан ортиқ мамлакатлар ўз элчихонасини очган². Демак шундай экан ватан тарихи билан бир қаторда жаҳон тарихини ҳам мукаммал даражада ўқитиш талаб этилади.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва

¹ Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. , Т. , 2008. 67-бет.

² Каримов. И. А.Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Т. , 1997. 296 бет.

имкониятлари тикланишга ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди. Кенг миқёсдаги халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратди. Айни маҳалда ўзбек халқининг турлифаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишга, унинг тадбиркорлик ва киришимлик бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла тўқис рўёбга чиқишга имкон берди. Ана шу алоқалар туфайли миллий меҳмонавозлик ва саҳоват саҳоват анъаналари янада ривожланди¹.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга юз тутар экан, кенг миқёсда жаҳондаги ривожланган давлатлар томонидан тан олинди, ҳамда ўзаро дипломатик миуносабатлар ўрнатилди. Мамалакатимизни биринчилардан бўлиб тан олган давлатлар қаторида аввало Туркия, сўнгра Россия давлати алоҳида ўрин тутди. Шундай экан мен ўз битирув малакавий ишим мавзуси сифатида, Россия ва Туркия давлатлари ўртасидаги халқаро муносабатлар ҳамда ўзаро олиб борилган жанг ҳаракатлари тарихини тадқиқ қилишга интилдим.

Чунки бу икки давлат ўртасидаги ижтимоий сиёсий муносабатлар узоқ тарихга эгадир, шу билан бирга XVII-XIX асрлар мобайнида Россия ва Туркия давлатлари ўртасида Қора денгиз ва унинг атрофидаги ҳудудларга эгалик қилиш учун бир неча марта ўзаро ҳарбий ҳаракатлар олиб боришган.

1). 1676-1681 йилларда Туркия ҳукуматининг бутун ўнг соҳил Украинага ҳукмронлигининг ёйилишига қарши ҳаракат бошланган. 1677 йили 120 минг турк армияси Чичерин қалъасини қамал қилган лекин рус украин қўшинлари томонидан мағлубиятга учратилиб, чекинишга мажбур этилган. 1678 йили турклар қалъани эгаллашган аммо рус ва украин қўшинлари ўзларини таъқиб қилаётган турк қўшинларини улоқтириб ташлаган, сўнгра 1681 йили Бокчасарой сулҳ шартномаси имзоланиб унга кўра Россия ва Туркия ўртасидаги чегара Днепр дарёси бўйлаб ўтиши белгиланди.

2). 1686-1700 йиллар, бу урушга 1684 йилда Туркияга қарши тузилган “Муқаддас иттифок” (Австрия, Реч Посполтая Венеция) га Россиянинг қўшилиши (1686 йили) ва унинг натижасида 1687 ва 1689 йиллардаги Қирм юришлари ҳамда 1695 ва 1689 йиллардаги Азов юришларига сабаб бўлган. Россиянинг шимолда Швецияга қарши урушга тайёргарлиги ва бошқа давлатларнинг Туркия билан сулҳ тузиши натижасида Россия ҳукумати 1700 йили Туркия билан яраш битими тузган, ва унга кўра Азов денгизи Россияга ўтган.

3). 1710-1713 йиллардаги урушнинг муҳим воқеаси Прут юриши (1711) бўлиб, унинг оқибатида Россия Азов денгизидан маҳрум бўлган.

4). 1735-1739 йиллардаги урушни бошланишига 1735 йил кузида Туркияга қарам бўлган Қирм татарларнинг Россия ҳудудига тез-тез ҳужумлар уюштириб туриши сабаб бўлган. 1766 йил май ойида рус армияси Перекоп истеҳкомларини эгаллаб, Қримга кириб борди ва Азовни эгаллади. 1739 йили 17 августдаги Ставуган яқинидаги жангда Руслар 90 минг кишилиқ Турк армиясига зарар етказиб Хотин қалъасини ва Яссини эгаллаган бунинг натижасида Бельград сулҳ шартномасига кўра 1739 йили Россия Азовни яна қайтариб олган.

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. , Т. , 1997. 149 бет.

5). 1768-1774 йилларда Қрим татарларнинг Украинага қилган ҳужумга жавобан, Рус қўшинлари 1769 йили бетараф ҳисобланган ерларни (Хотин, Ясси, Таганроҳ ва Азовни) эгаллаган. 1770 йили рус эскадраси Чесна кўрфазида турк флотини тор-мор этган. 1771 йили Қримни эгаллаган, 1774 йили Дунай орқали Болгарияга ўтиб, Казлужи яқинида Туркларга жиддий зарба беришган, сўнг икки давлат ўртасида Кучук-Кайнаржа сулҳ шартномаси имзоланган 1774 йили, сулҳга кўра Россия Жанубий Украинанинг, Жанубий Буг дарёсигача бўлган ҳудудни ва Қора денгизга эркин чиқиш имкониятига эга бўлган.

6. 1787-1791 йиллардаги Рус-Туркия урушида 1787 йили Туркия Россияга Қримни қайтариш талабини қўйган. Аммо Россия буни рад этган натижада шу йили 13 августда икки давлат ўртасида уруш ҳаракатлари бошланган. Россияга Австрия иттифокчи бўлган. 1789 йил ёзда труклар Фокшона яқинида Суворов томонидан тор-мор қилинган. Россия измаил қалъасини 1790 йил, Апалани 1791 йили эгаллашган. Ушанов флоти Федонисида 1788 йил Керч бўғозида 1790 йил, Тендрода 1790 йил ва Калиакрияда 1791 йил Туркларга нисбатан жиддий зарба берган. 1791 йил Яссида имзоланган сулҳга кўра Қримнинг Россияга қўшилиши тасдиқланган ва рус турк чегараси Днестр бўйлаб белгиланган.

7). 1806-1812 йилларда Туркиянинг Қора денгиз ҳудудидаги ўз ҳукмронлигини қайта тиклашга интилиши кучайди. 1807 йили рус қўшинлари туркларнинг Валахия ва Грузияга кириш учун қилган ҳужуми қайтарилади. 1807 йили рус эскадраси Эгей денгизида турк флотига бир неча марта зарба берган, шу йили Франция билан Россия ўртасида Тильзий сулҳи имзоланган, унга кўра Франция Россия билан Туркия ўртасида сулҳ тузилишида воситачи бўлган. Натижада шу йили августда икки давлат ўртаида яраш аҳди тузилган, аммо 1809 йили ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетган . россия 1809 йили Туркларнинг ИсақчаТулча, Барбадил, Магин, Измаил, Браилов, 1810 йили Тозаржик Силистрия, ва Разград қалъаларини эгаллаган. 1811 йили Кутузов армияси турк қўшинларини Рушчук яқинида камал қилиб олиб таслим бўлишга мажбур қилган. Сўнгра Бухарест сулҳи имзоланган 1812 йили, унга кўра Бессарабиянинг Россияга қўшилиши тасдиқланган.

8). 1828-1829 йиллардаги Граецияда юз берган миллий озодлик ҳаракати туфайли “шарқ масаласи”нинг кескинлашуви натижасида 1828 йил апрелда бошланган уруш ҳаракатларида Россия сентябрда Вернани, Карс Ардаган Аҳал қалъани ва Аҳалчих каби турк қалъаларини Анапа ва Патини эгаллаган. 1829 йили Адриалолни эгаллаган август ойида Константинопол чегараларига етиб келган, сўнгра Адриопол сулҳ шартномаси имзоланган, унга кўра Кавказнинг Қора денгиз соҳиллари (Ботумидан ташқари) ва Аҳалких районлари Россияга ўтган, Греция мустақилликка эришган ҳолда, Молдова, Валахия ва Сербияга автономия ҳуқуқи берилган.

1853-1856 йиллардаги Қрим уруши ва 1877-1878 йиллардаги Рус-Турк уруши тўғрисида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, шу боис битирув маакавий ишда бу ҳақда батафсил ҳикоя қилиб, Туркларнинг болқон ярим оролидаги узок йиллик ҳукмронлиги бу ердаги этник таркибларга ҳам таъсир кўрсатиши натижасида, бир қанча муаммоларга сабаб бўлмоқда. Айниқса унинг оқибатлари энг янги даврда жуда ёмон таъсир кўрсатмоқда. Шу боис малакавий ишда ушбу муаммоларни тадқиқ этишга ҳаракат қилди.

Мавзунинг аҳамияти. Битирув малакавий ишни ўз олдида қўйган мақсад ҳам шундан иборат бўлиб, шу тангаларни ўрганиш орқали тарихни ўрганишдан аҳамияти ўқувчилар оммасига етказиш асосий вазифаларимиздан биридир.

1.XIX асрнинг II - ярмидаги халқаро аҳвол

XVIII аср охирида деярли бутун болкон ярим ороли ва Дунай дарёсининг шимолидаги ерларнинг бир қисми Усмон империяси составига кирган. Болгария, Сербия, Черногория, Босния ва Черноговика, Греция, Молдавия ва Валакия чет эллик истилочиларнинг зулми остида эди. Бу мамлакатларнинг ижтимоий иқтисодий тараққиёти жиҳатидан бир хил эмас эдилар. Сиёсий тараққиёти ҳам турлича эди. Бу даврда Туркиянинг Европа қисмида 914 йирик феодал ер мулки (Зеаметлар) ва 8356 та кичик мулк (тимарлар) бор эди. Сипохийлар (ерларни муваққат эгалари бўлган ҳарбий феодаллар) амалда меросхўр помещикларга айланган, ернинг отадан ўғилга мерос бўлиб ўтишини расмийлаштириш учун маълум миқдорда пул керак бўлган. Шу тарзда Сипохийлар ўз мулкларининг доимий аҳолисига айланган, уларнинг маълум қисми ҳарбий хизматни ўтишдан бош тортар эди. Шу боис Европа намунасидаги доимий армия тузишга ҳаракат қилмоқда эди. 1800 йилда Султон Салим III фармон чиқарди унга мувофиқ сипохий вафотидан кейин унинг ери яна давлат мулкига айланиши лозим эди, бошқа фармонлар ҳам сипохийларнинг ер эгалигини чеклаб қўйган эдилар. 1812 йили янги чеклар бериш ман қилинган.

Даромадларнинг ўсишидан манфаатдор бўлган турк помещиклари деҳқонларнинг ерлари ёки давлат ерлари ҳисобидан ўз хўжалиklarини (туркча чифлик) кенгайтирар эди. Помещиклар деҳқонларга кичик-кичик ер участкалари қолдириб, уларни ёлланма иш кучига айланишига мажбур қилар эди. Қарзини уза олмайдиган деҳқон катта ер эгасини ўзини оғаси (хўжайини) деб тан олишга мажбур эди. Шу тарика сипохийлик системаси ўрнини чифлик системаси эгаллаган.

Жанубий-Ғарбий Болгарияда **кесимжи** деб деб аталган нарсa кенг тарқалган (туркча кесим деган сўз **оброк** демакдир)¹.

XIX аср бошларида Болгарияда вақф (мачит ва касалхоналарга қарашли) ерларда турувчи деҳқонлар анча эди. Чифлик бўлмаган жойлардаги вақф ерларда деҳқонлар ўзлари экин экадиган ер учун натура ёки пул билан тўласалар ҳам лекин шахсий мажбурият ўтамаган. Деҳқонларнинг аксарият қисми давлатга қарашли ерларда турар ва шахсан озод эди.

Деҳқонларнинг ҳаммаси давлат солиғи ушр тўлар эди. Христиан аҳолиси ҳарбий хизматдан озод бўлиш учун махсус солиқ, жон солиғи ва бошқа солиқлар тўлар эди. Ерсиэлантйрилган деҳқонлар билан бир қаторда бадавлат ер эгалари (гарбажийлар) вужудга келди, Турк маъмурлари уларга солиқ йиғиш вазифасини топширган. Ҳунармандчилик ташкилоти цехлар (туркча эснофлар) мавжуд. Туркиянинг бир қанча вилоятларида савдо ярмаркалари мавжуд бўлиб, XIX асрда уларнинг аҳамияти янада ортди.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Болкон ярим ороли мамлакатларида капиталистик муносабатлар тараққий эта бошлади, шу боис бу ўлкаларда миллий озодлик ҳаракати кучайди. Айни вақтда Европада реакция кучаяётган бир шароитда Усмонийлар империясида ҳам реакция кучлар мустаҳкамланди.

Капитализм тараққиёти ҳамда буржуазия ва халқ оммасининг феодал реакцияга қарши ҳаракати айрим мамлакатларнинг ички тарихидагина эмас балки халқаро муносабатларда ҳам ўз аксини топган. Буржуазиянинг сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамланиши билан бирга унинг ташқи сиёсатга ҳам таъсири кучайди. Европа қитъасида Чор Россияси ва австрия бошлиқ йирик феодал абсолютистик монархиялар кучли эди.

¹ История Болгарии. М.: 1954. Т-2. Стр-128.

Греklarнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган курашида бутун Европа прогрессив кучлари уларга хайрихоҳлик билдирди. Россия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлардаги Фил Эллинлар Греция фойдасига пул ионаларини (хайрия маблағлари) йиғар ва улар учун кўниллиларни ёллар эди. “Болкон ярим оролидаги миллий-озодлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш Европа давлатларининг ташқи сиёсий манфаатларидан келиб чиққан эҳтиёж бўлиб, бу тенденция тез-тез ўзгартириб туриши ҳам табиий ҳол эди”¹. Хатто буюк инглиз шоири Байрон ўз маблағига кўнгиллилар отрядини тузган. 1822 йилдаги Верона конгрессида Австрия Чор Россияси ва Пруссия грек кўзғолончиларини ўзларининг “қонуний подшоши” – Туркия Султониға қарши исён кўтарган исёнчилар деб ҳисоблашларини эълон қилдилар. Лекин кейинчалик Европа давлатларининг бу масаладаги позицияси ўзгарди. Британия ҳукумати греклар кўзғолонидан Грецияда ўз таъсирини мустаҳкамдаш ва инглиз савдосини кенгайтириш мақсадида фойдаланиш умидида эди. Шу боис грекларни урушувчи томон деб эътироф этди. Грецияда ўзининг Болкондаги таъсири учун таянч вужудга келтирмоқчи бўлган Франция ҳам греклар масаласидан манфаатдор эканлигини кўрсатди. Чоризм ҳам Туркияни заифлаштириш ўз таъсирини мустаҳкамлаш ва янги босқинчиликлар қилиш мақсадида греклар кўзғолонидан фойдаланишга қарор қилди.

Чоризмнинг греклар масаласидаги позицияси шу билан белгиланар эдики, рус помещиклари ва Николай I бошлиқ Чор ҳукуматининг ўзи Дунай кинязликларида ва Константинополда Россиянинг ҳукмрон таъсирини ўрнатишни ҳамда янги территориялар эгаллаб олишни истар эдилар. Туркия ҳукумати Босфор ва Дарданелл бўғозлариденгизлардан ўтиб, савдо қилиш эркинлиги ҳақида Россия билан тузилган шартномаларни бузгандан кейин, россия Туркия муносабатлари кескинлашиб кетди. Туркиянинг Қора денгиз бўғозларини беркитиб қўйганлигидан ва асосан грек савдо кемаларида ташиладиган рус ғалласининг четга олиб чиқилишини тўхтатиб қўйганлигидан Чор ҳукумати ва рус помещиклари норози эди. Подшо Николай I греклар ҳаракатини ва Туркияға қарши курашни кўллаб қувватлаш йўлиға ўтди, бу ҳол Россиянинг Болконда таъсирини кучайишини истамаган Австрия билан Россия ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб юборди.

1826 йилда Европа ҳукуматларининг грек масаласига аралашуви кучайди. Россия Яқин Шарқда ўз мавкеларини мустаҳкамлаш учун греклар кўзғолонидан фойдаланишга интилган Англия ва Франция билан 1826 йилда греклар масаласи юзасидан протокол имзолади, бу ҳол Австрияни ғазаблантирган.

1827 йили у учала давлат греклар фойдасига биргаликда дипломатик йўл билан аралашиб тўғрисида конвенция тузди ва Грецияға ўз ўзини идора қилиш ҳукуқи беришни Султондан талаб қилди. Бироқ Султон ҳукумати Буюк Британия а Франциянинг Туркия билан урушмаслигини билан эди шу боис талаб рад этилди.

1827 йили греклар ҳалокат ёқасига келиб қолди. Наварим кўрфазига Миср подшосининг флоти етиб келди. Миср ва Туркия кўшинлари кирғоққа тушиб, кўзғолончиларни кириб ташламоқчи ва илгарилари Мориянинг айрим қисмларида ҳамда Эгей архипелагидаги оролларда қилганларидек бутун Грецияни ўт қўйиб ва қиличдан ўтказмоқчи эдилар. Бунга жавобан Россия, Англия ва Франциянинг бирлашган эскадраси Наваринға етиб келади ва бу ерда Туркия флоти батамом яксон қилинди.

Англия ва Франция ҳукуматлари Наварин жангидан кейин Россиянинг Болкондаги мавкеи тез кучайиб кетиши мумкин деб ҳавотирлана бошлади. Султон ҳукумати Грецияға

¹ Арсеньев В.П. Национально – освободительная борьба на Балканах во XIX в. М.: 1978. стр-124.

ўзини идора қилиш ҳуқуқи беришдан бош тортди ва Россияга қарши урушга тайёрлана бошлади.

Подшо ҳукумати ўз навбатида Грецияда ўзининг устунлик таъсирини мустаҳкамлаш, Туркияни кучсизлантириш, Дунайнинг денгизга қуйилиш жойларини эгаллаш, Султон ҳукуматини Дунай князликлари ва бўғозлари борасида илгари битмларга риоя этишга мажбур этиш ва Закавказье ҳамда шимолий кавказда янги ерларни босиб олиш мақсадида грекларга ёрдам бермоқчи эди.

1828 йили Россия туркияга уруш эълон қилди бу уруш рус қўшинларининг ғалабаси ҳамда 1829 йилги адрианопол Сулҳи билан тугади. Дунай дельтасидаги ороллар, шимолий кавказ соҳиллари ҳамда Туркияга қараган арман вилоятларининг бир қисми Чор Россияси қўлига ўтди. Туркия Грецияни мустақил деб тан олишга Россияни талаби билан Сербия учун мухторият ҳуқуқиникафолатлашга ва Дунай князликларининг автономиясини кенгайтиришга мажбур бўлди. Чоризм ўз мақсадлари учун жон куйдирди ва шу мақсадларни амалга оширишга ёрдам берадиган даражадагина Болқон халқларининг Туркияга қарши курашини қўллаб-қувватлади.

Россия-Туркия уруши вақтида Англия билан Австрия расман бетараф бўлсалар ҳам, лекин Россиянинг ҳатти ҳаракатларидан ва унинг Болқонда мавқеи кучайишидан норози эдилар. Миттерних Европа давлатларини Россияга қарши бирлаштиришга уринди. Россия ва Австриянинг илгариги бирдамлигидан асар ҳам қолмаган эди. Чор ҳукумати Пруссия саройи билан мустаҳкам ҳамкорликни сақлашга ҳар қандай йўллар билан ҳаракат қилган бўлсада, лекин Муқаддас Иттифокнинг бузила борганлиги очик кўриниб турар эди. “Муқаддас иттифокнинг шартлари ва мажбуриятларини сўнгги пайтларгача фақат Россия бажариб келди. Холбуки 1840-1850 йилларнинг шиддатли воқеалари ва жараёнлари Европа монархларининг бирлашувини тоқазо этар эди”¹.

1829 йилиги Рус-Турк урушидан сўнгзаифлашган Туркияга нисбатан статусқвони (мавжуд вазиятни сақлаб қолиш йўлини) тутганлиги 1833 йилда Австралияни нг Россия билан яқинлашувини осонлаштирган эди. Чоризм сиёсатидаги бу бурилиш Чор ҳукуматининг Туркияни заифлаштириб уни ўз тарафига бўй сундириш ва уни кучсиз ва итоатли қўшинга айлантиришни умид қила бошлаганлиги фактидан келиб чиққан эди.

1829 йили Чор ҳукумати яқин вақт ичида ўтказадиган сиёсатини яъни Туркиянинг ҳудудий яҳлитлигини сақлашдан иборат принципи ва Константинополда рус таъсирини мумкин қадар устун қиладиган даражада Туркия билан яқинлашишга асосланган сиёсатни белгилади. Подшо ва унинг министрлари бўғозлар тўғрисида Туркия ҳукумати билан фойдали битим тузишга эришмоқчи эдилар.

1830 йилдаги Европа ҳудудидаги инқилоб, унинг сиёсатида Шарқ масаласини биринчи ўринга қўйди. Бунда Европа дипломатлари Туркиянинг тақдири, Константинополга таъсир қилиш бўғозлар ва Туркия империясининг чекка ўлкаларида яшаган халқларнинг озодлик ҳаракати тўғрисидаги масалани тушунар эдилар. Шарқ масаласида энг зўр рақобатчилар Англия билан Россия эди. Миср ҳудуди тўғрисида Англия-Франция ўртасида чиққан зиддиятлар ҳам катта аҳамият касб этди.

Россия бундан унумли фойдаланмоқчи бўлди. Туркия империясининг хусусияти шундай эдики унинг чекка ўлкалари миср ва Болқон ярим ороли ерлари иқтисодий жиҳатдан Туркиянинг Кичик Осиёдаги вилоятларига қараганда кўпроқ тараққий этган. Бу ҳол Усманийлар империясидаги турк бўлмаган кўп сонли аҳоли устидан Туркиянинг

¹ Викторенко А.Т. Европа в период буржуазных революций первой половины XIX в. М.: 1984. стр-88.

хукмронлигини ниҳоятда реакцион характердаги хукмронликка айлантирган эди. Бу империядаги чекка ўлкаларнинг хўжалик ва маданий жихатидан устунлиги турк бўлмаган халқлар яшаган ва бу вилоятларда айримачилик ҳаракатининг, қисман эса миллий озодлик ҳаракатининг ҳам ёйилишига ёрдам берган¹.

Муҳаммад Али пошшо идора қилган Мисрда кучли аспаратчилик интилишлари авж олган эди, у ўз армияси ва флотини қайтадан тузган истеъдодли ва ҳарбий ислохотчи сифатида шуҳрат қозонган, дастлаб Сурияни идора қилишни ўз қўлига олишга ҳаракат қилди. Султон ҳокимиятидан озод бўлишига ва мустақил подшо бўлишга интилди. Унинг талаблари рад этилган тақдирда Муҳаммад Али ўз армиясини Константинополга юбормоқчи, Туркия пойтахтини ишғол қилмоқчи ва султонни ўз талабларини қондиришга мажбур этмоқчи эди. Франция буржуазияси ва ҳукумати Мисрни ўз таъсирига бўйсундириш учун кўпдан бери ҳаракат қилар эди. Улар Миср подшосининг нийятларига ҳайрихоҳлик билдирдилар ва уни пул ҳамда қуроли яроғ билан таъминлаб, ўзларининг қўғирчоғига айлантирмоқчи бўлдилар. Ва шу мақсадда Мисрга моддий ёрдам кўрсатди. Бу Мисрни ўз мустамлакасига айлантириш умидидан қайтмаган Француз буржуазиясининг XVIII аср охиридан бошлаб олиб бораётган сиёсатининг давоми эди.

Муҳаммад Али Султонга қарши кўзғолон кўтариб, 1833 йили Туркия армиясини тор-мор келтирди. Миср қўшинлари Константинополга қараб юрди. Россия подшоси олдида Миср подшосининг тўла ғалаба қозониши Туркия империясининг чекка ўлкаларида Франция таъсири остида кучли давлат вужудга келиши ва ҳатто Султоннинг тахтдан ағдарилиб, Константинополга Муҳаммад Алининг подшолик тахтига чиқиши ҳавфи туғилган эди. Султон Маҳмуд II Муҳаммад Алининг нийятлари ва унинг Франция билан алоқаларини ҳуш кўрмаган. Англияга ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Аммо қўл остида десант тушириш учун қуруқликдаги қўшинлари бўлмаган ва Россияни Франция билан тўқнаштиришга умид қилган Англия кабинети сусткашлик қилди. Султон Маҳмуд II ноилож аҳволда қолиши биланок Россиядан ёрдам сўраб, ёзма илтимоснома юборди. Шундан сўнг 14 минг рус аскардан иборат отряд Миср армиясининг йўлини тўсиш учун Босфорга кириш яқинида Кичик Осиё соҳилига келиб тушди, бу ерда рус қўшинларининг пайдо бўлиши Миср подшоси Муҳаммад Алини Султон билан сулҳ тузишга мажбур этди, лекин шундай бўлсада, Султон Муҳаммад Алига жуда катта ён бериб, Сурияни, Каликияни ва Критни идора қилишни унга топширишга мажбур бўлди.

Миср подшоси номигагина Султоннинг вассали бўлиб қолди ва Франция ёрдамидан фойдаланишни давом эттирди, бу ҳол Мисрнинг Франция ярим мустамлакасига айланишини истамаган Англия буржуазиясини қаттиқ ташвишга солди. Муҳаммад Алининг Султонга қарши қайта бош кўтариб чиқиш ҳавфи бартараф қилинмаган эди.

1833 йили рус қўшинлари Босфордалиги вақтида Султон ҳукумати Россия билан шартнома тузди, бу шартнома Кичик Осиё соҳилида Босфорга кириш яқинида Ункиар-Искелесси деган жойда имзоланди. Шартномага мувофиқ Султоннинг илтимоси билан подшонинг қуроли ёрдам бериши кўзда тутилган эди, бу ваъда эвазига Султон ҳукумати шартномага алоҳида махфий модда қўшди, унга мувофиқ Туркия ҳукумати Дарванепл бўғозини бошқа давлатларнинг ҳарбий кемалари учун ёпиб қўйилиши, уларнинг ҳеч қандай вазлари билан ҳам бу бўғозга киришга йўл қўймаслик мажбуриятини олган эди. Шартнома етти йилга тузилди. Унинг имзоланиши XIX асрда Туркияда Россия таъсирининг юқори чўққиси бўлди.

¹ Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третий XIX века. М.: 1986. стр.58.

Бу шартнома икки томонлама аҳамиятга эга эди. Биринчидан, шартномага мувофиқ Дарданепл бўғозининг чет эл кемалари учун ёпиқ бўлиши инглиз ва француз флотларининг ўша вақтларда Россиянинг энг заиф томони бўлган қора денгиздаги рус соҳилига қарши ҳаракат қилиши учун бўғозлардан бемалол ўтиб келиш имкониятини йўқ қиларэди. Иккинчидан, Султон ҳукуматининг бирдан-бир “ҳимоячиси” бўлиб чиққан Россия подшосининг Туркияда устунлик мавқеини ўрнатар эди¹.

Россиянинг Миср подшосига қарши чиқиши ва Николай I Туркиянинг яшашини қўллаб қувватлаши туфайли Шарқ масаласида Австрия Россиянинг янгидан вақтинга яқинлашуви мумкин бўлди. Миттерних Россия подшосининг бундан кейинги Болқондаги қўшиб олишларидан ва миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашдан воз кечганлигидан манфаатдор эди.

1833 йил 6 сентябрда Мюхенгрецда Австрия ва Россия ҳукуматлари конвенция имзоладилар. Бу конвенцияга кўра иккала томон ҳам Франция ва Миср подшосининг нийятларига қарши иш кўриш ҳамда Туркия империясига нисбатан статусқвони (мавжуд вазиятни) сақлаш мажбуриятини олдилар. Бу битим Муқаддас Иттифок сиёсати руҳида феодал абсолютистик реакцияни қувватлаш принципини Туркияда амалда жорий қилинишини билдирар эди.

Англия Россиянинг Босфорда, Франциянинг эса Нил водийсида мустаҳкамланиб олишига қандай қилиб бўлса ҳам йўл қўймаслик учун ҳаракат қилар эди. Англия ҳукумати Константинополдан Россия таъсирини кучайтиришидан ва инглиз флотининг Қора денгизда пайдо бўлиб, Россияга таҳдид солиш имкониятини йўқлигидан норози эди. Пальмерстон шартнома Туркия устидан Николай I “протекторатини” ўрнатади, деб чиқди ва уни бекор қилишни талаб эта бошлади. У ҳамма чораларни кўрди, аммо Туркия Султони Миср подшосидан кўрқар ва Россия ёрдамига мухрож эдики, 1840 йилдагина ўз кучини йўқотиш керак бўлган. Шартномани бекор қилишга журъат этмас эди.

Ункиар-Искемеси шарт номаси Россия дипломатиясининг Яқин Шарқдаги катта мувоффақияти эканлигини тушунган Пальмерстон Россиянинг бўғозлардаги мавқеига путур етказиш ва бу ерда Туркия устидан давлатларнинг “коллектив ҳомийлиги” ниқоби остида Англияни устунлигини ўрнатиш учун бутун кучини сарф этди. Буюк Британиянинг ташқи сиёсати аслида унинг манфаатларига дахлдор масалаларда намоён бўлар агар бирон-бир масала Европа миқёсида ёки мустамлакалар борасида Англияга тегишли бўлмаса, ташқи ишлар министрлиги бунга аралашмай қўяверар².

Чор Россиясининг Туркиядаги ва Ўрта Осиёдаги таъсирига қарши бўлган Англия ҳукумати чоризм сиёсатига асло Туркия империясининг “бир бутунлигини” ва “дахлсизлигини” ҳимоя қилиш учунгина қаршилик кўрсатмас эди. Англия ўзи Туркияга қарам бўлган Аданни (1839) ва Перимни (1842) босиб олди. Туркия империясини “ҳимоя қилиш” деб ном чиқарган “ҳимоя” Англия буржуазиясининг Туркияни асоратга солиш ундан Россияга қарши плацдарм сифатида фойдаланиш ва Франциянинг Мисрдаги мавқеига путур етказиш нийятларини ниқоблар эди.

Шарқ масаласида Англия сиёсати Чор Россиясининг сиёсати билангина эмас, балки Франция буржуазиясининг режалари билан ҳам тўқнашар эди.

¹ Никитин С.А. Дипломатическая отношения России с Южными славянами в 60 годах XIX века. Славянский сборник. М.: 1947. стр – 102,

² Павлов А.В. Внешняя политика метрополий в период борьбы за колоний. М.: 1983. стр-88

Англия ҳукумати Султонга итоатсиз Миср подшосининг таъзирини беришни маслаҳат берди. 1839 йил Палмеристон Султонни Муҳаммад Алига хужум қилишга кўндирди. Бироқ Миср қўшинлари Туркия армиясининг батамом тормор келтирди. Туркияга дарҳол ёрдам бериш масаласи яна келиб чиқди, Британия кабинети Султоннинг ёрдам сўраб биргина Россия подшосига эмас, балки барча буюк давлатларга мурожаат этишини талаб этди. Бунда Пальмеристон Россиянинг Туркиядаги мавқеини кучсизлантирмоқчи, Францияни яккалаб қўймоқчи ва давлатларнинг Муҳаммад Алига қарши биргаликда қиладиган интервенциясида Англиянинг раҳбарлик ролини ўйнашини таъминламоқчи эди.

Пальмеристон Россия подшосига агар у Ункиар-Искемеси шартномасини янгидан тиклашни қаттиқ туриб талаб этадиган бўлса Франция билан тил бириктирамиз деб дўк қилди. Россия ҳукумати бу шартнома муҳлатини чўзишдан воз кечди ва Миср подшосига қарши тўрт давлатнинг биргаликда интервенция қилишига рози бўлди. Туркия империясини парчаланишини истамаган Австрия (чунки ба хол славян халқларининг австрия зулмидан озод бўлишига олиб келар эди) Пальмеристонни қўллаб-қувватлади. Пруссия ўз обрўсини сақлаб қолиш ва Францияни камситиш учун бу давлатларга қўшилди. Пальмеристон Францияни яккалаб қўйди. 1840 йили Англия, Россия, Австрия ва Пруссия томонидан Лондон конвенциясининг имзоланишига эришди. Бунга муваффиқ Туркия империяси уларнинг биргаликда “ҳомийлигига” олинган эди. Франция бу сафар “Европа коцерти”дан четга чиқариб қўйилди.

Бу конвенция Россия учун катта хавф туғдирди, чунки Ғарб давлатларининг ҳарбий кемалари учун бўғозлар орқали ўтиш йўли очилган эди, оқибатда Қора денгиздаги рус қирғоқларини жиддий хавф остида қолдирган эди. Россия ҳукумати бу хавфни қайтариш учун 1841 йили Лондонда иккинчи конвенцияни имзолашга муваффақ бўлди. Унга муваффиқ тинчлик вақтида ҳамма давлатларнинг ҳарбий кемалари учун ёпиқ бўлишини таъминлана эди, уруш вақтида эса кемаларнинг ўтиши Султоннинг қайси позицияда эканлигига боғлиқ эди. Англия ҳукумати бўғозларнинг ёпиқ бўлиши учун розилик бериши эвазига Франциянинг 1841 йилги конвенциясида иштирок этишини ва Туркия устидан буюк давлатларнинг биргаликдаги “ҳомийлиги”га киритилишини талаб этди¹.

Франциянинг Мисрда ҳукмронлик қилиши имконияти бартараф қилинганидан сўнг ва Франция камситилганидан сўнг Пальмеристон Англия-Франция “Антантасидан” Россияга қарши фойдаланиш учун бу “Антанта”ни янгидан жонлантирмоқчи эди.

1841 йил конвенциясини беш буюк давлатларнинг ҳаммаси имзолади. Ғарб давлатлари Қора денгиз бўғозларининг халқаро ҳуқуқ режимида аралашishi имконига биринчи марта эга бўлдилар.

Шу тариқа давлатларнинг Туркияга “коллектив ҳомийлиги ” ниқоби остида 1840 йилдан бошлаб Англия ва Франциянинг ҳукмрон таъсири ўрнатилди. Англия ва Франциянинг ҳарбий кемалари учун қора денгиз бўғозларининг беркитилиши эса фақат қўғоздаги ҳужжатда 1841 йил конвенциясидагина кафолатланган эди.

1840 йилдан бошлаб яъни Ункиар-Искемеси шартномасининг муҳлати тамом бўлган ҳамда Константинополда Англия ва Франциянинг ҳукмрон таъсири ўрнатилган вақтдан эътиборан, Россия яна Туркияни тақсимлаш лоихасига қайтди. Николай I Усмонийлар империясининг ўзининг ички иллатларидан яқинда ҳалок бўладиган “касал одам” деб ҳисоблар эди. Шунинг учун уни тақсимлаб олиш тўғрисида Англия ва Австрия билан олдиндан келишиб олмоқчи эди. Ҳужжатларда шундай дейилган: “Агар Туркия ўлиб қолса,

¹ Потёмкин В.П. История Дипломатии. М.: 1941. стр-98.

мархумдан қоладиган мерос ҳаммани қаноатлантириш учун кифоя қилади. Лекин Коснантинопол ўртада қолдириладиган бўлса ҳеч кимга тегмайди, деган гап Босфорни қўриқлаш бизники, Дарданельни қўриқлаш Англия билан Австралияники” деб таъкидланган эди. “Буюк Британиянинг ташқи сиёсати аслида унинг манфаатларига дахлдор масалаларда намоён бўлар, агар бирон – бир масала Европа миқёсида ёки мустамлакалар борасида Англияга тегишли бўлмаса, ташқи ишлар министрлиги бунга аралашмай қўяверер эди”¹. Шундай қилиб Россия Босфорни Қора денгизга чиқиш жойини босиб олишни кўзда тутган эди.

1844 йил Николай I Англияга борди ва бу масалада торилар министрлари билан музокаралар олиб боришга ҳаракат қилиб кўрди. Бунда уларга Мисрни эгаллаб олишини, Россияга эса Босфорддан таянч пункт беришни маслаҳат берди. Британия ҳукумати подшонинг Туркияни тақсимлашни ва Мисрни эгаллашни кўпдан бери даво қилган Франция билан алоқани узишни Англияга таклиф қилинаётганлигини тушунди ва бу таклифларга ҳеч қандай жавоб бермади. Туркияда ўзларининг устунлик мавқеини ўрнатиб олган Англия ва Франция буржуазияси ўша вақтда Туркияни тақсимлашдан манфаатдор эмас эди ва бутун Усмонийлар империясида ўзларининг кучайган таъсирларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни афзал кўрар эди. Европада ўсиб борган инқилобий инқироз Яқин Шарқда Англия-Россия зиддиятларини янгидан кескинлашувини кейинга сурди..

Польшалар ҳаракатига қарши курашда уч манархнинг ҳамжиҳатликларига қарамай Николай I Австрия императори ва Пруссия кироли билан 1833 йилда тузган иттифоқи 1840 йилдан кейин Австрия ва Россиянинг Пруссия билан муносабатлари ёмонлашгани туфайли заифлашди.

XIX асрнинг 50-йилларида Болгар деҳқонларининг ер учун кураши деҳқонлар қўзғолони тарзида номоён бўлди, деҳқонлар ҳаракатининг кенг ёйилганлиги Туркия ҳукуматини деҳқонларнинг арзномаларини ҳукуматга топшириш учун деҳқонлар вакилларининг Константинополга юборилишига руҳсат этишга мажбур бўлди. Деҳқончиликнинг вакиллари солиқларни камайтиришни, спохийларни ерларини деҳқонларга беришни ҳамда турк помещикларини ер эгалигини йўқ қилишни талаб этдилар. Турк маъмурлари деҳқонларни бу талабларини рад қилди, бироқ кейин Видин округида деҳқонлар ҳаракати жуда ҳам кучайиб кетганлиги сабабли Туркия ҳукумати ер эгалигини ислоҳ қилиш тўғрисида фармон чиқарди.

Деҳқонлар турк помещикларнинг ерларини ҳақ тўлаб оладиган бўлдилар. Давлат помещикларининг ерлари учун уларга давлат ҳазинасининг қоғоз пуллари билан тўлар эди, деҳқонлар эса помещикларга берилган бу пуллар ўрнини махсус ер солиғи тўлаб тўлдиришлари керак эди. Бу ислохотнинг амалга оширила бошлаши 1853 йилга тўғри келади. Қрим уруши туфайли унинг жорий қилиниши кечикиб кетди. Лекин ислохот ҳақ тўлаш йўли билан амалга оширилганлиги боис ерни анча қисми мулкдор шахслар қўлига ўтиб кетди. 1858 йилги қонун деҳқонлар ва помещикларнинг турклар ва христианларнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлади.

¹ Павлов А.В. Внешняя политика метрополий в период за колоний. М.: 1983. стр-88

2. Рус-Турк урушининг бошланиши жанг ҳаракатлари

1848 йиллардани инқилоб натижасида Шарқ масалси вақтинча II ўринга суриб қўйилган эди. 50-йиллардан бошлаб бу масала яна Европа давлатларининг диққат марказида бўлди. Яқин Шарқда ҳукмронлик қилиш учун курашда Чор Россияси билан Ғарб давлатлари Англия ва Франция ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб борди. Россия 1898 йилдаёқ Дунай князликларига қилинган аксилинқилобий кучлар ҳуружидан ва князликлар устидан Россия – Туркия назоратини ўрнатиш учун фойдаланган эди. 1849 йил апрелида Россия – Туркия томонидан имзоланган Балта-Лиман конвенцияси очикдан очик реакцион мазмунда бўлиб, унга мувофиқ князлар ҳокимларнинг помешчиклар томонидан сайлаб қўйилиши бекор қилиниб, улар Султон ва Чор ҳукумати розилиги билан тайинланадиган бўлди.

Конвенция Ғарб давлатларининг князликларига аралашиш имкониятини йўқ қилди ва Малдовия ҳамда Валахияни ўз ҳукмронлигига бўй сундирмоқчи бўлган Француз ва Инглиз буржуазиясининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Бу икки князлик Ғарбий Европага катта ғалла етказиб берар ва инглиз-француз таварлари учун бозор вазифасини ўтар эди. Британия ҳукумати князликларда Туркия ҳукмронлигини қувватлашга ҳаракат қиладри ва Туркияни Россияга қарши иш кўришга чорларди. Франция эса Молдавия ва Валахияда таркиб топаётган маҳаллий буржуазияни имоя қилар эди. Князликларнинг муҳим стратегик ўрни ҳам Европа давлатлари ўртасида бу князликларга таъсир кўрсатиш учун курашни кескинлаштирган сабаблардан бири эди. Балта-Лиман конвенцияси бу масалани Чор Россияси фойдасига ҳал этди ва Дунайнинг куй оқимида Россия ҳукмронлигини ўрнатилишини истамаган австрияни ҳам қаттиқ ғазаблантирди.

Грецияга таъсир ўтказиш учун кураш Яқин Шарқдаги аҳволни кескинлаштириб юборди. 1830 йиллардан бери бу мамлакат уч давлат – Англия, Франция ва Россия таъсири остида қолиб келаётган эди. Англия ҳукумати Чор Россиясининг таъсирига Туркиядагина эмас, балки Греция ҳам путур етказишга ва Грецияни батамом ўз сиёсатига бўй сундиришга зўр бериб уринар эди.

Николай I ҳукумати Англиянинг Грециядаги хатти – ҳаракатларига қарши ўз норозилигини билдирди, бу сафар Франция ҳам Британия даволарига қарши чиқди. Грециянинг биргина Англияга қўғирчоқ бўлиб қолишини истамаган Луи Наполеон “агар Греция ҳукумати Англия талабларини қондирадиган бўлса у билан алоқани узаман”¹ деб таҳдид қилди. Натижада Англия Франция ҳукуматига ён беришга мажбур бўлди. Болқон ярим оролида Англия Туркия ҳукмронлигини қўллаб-қувватлади. 1850 йилда “Исо тобутининг калитлари” деб аталган масалада жанжал чиқди, бу масала унчалик аҳамиятга эга эмас эди, бироқ у Яқин Шарқда ҳукмронлик қилиш учун Европа давлатлари ўртасидаги курашнинг янада кескинлашуви учун бир баҳона бўлди.

XVI асрдан бери католик рухонийлари Туркияда алоҳида имтиёзларга эга бўлиб келган. Туркиядаги христиан аҳолисининг ҳаммаси Провослав черковига қарар эди. Туркияда католиклар ҳам бўлиб, Провослав рухонийлар XVIII асрда католик черковининг қаршилигига қарамай, ибодатхоналарни назорат қилишни ўз қўлига олган эди. Бу вақтга келиб Франция бу жойларни католик черкови қўлига топширилишини талаб қила бошлади. Англия ва Франция Туркияга қаттиқ таъсир кўрсатиб, 1853 йилда христианларнинг Қуддус ва унинг атрофидаги азиз жойларни католик рухонийларига топшириш тўғрисида Султоннинг фармон чиқаришига эришдилар.

¹ Черкасов П.П. Очерк колониальной экспансии Франции в XVI-XX вв. М.: 1983. стр.31.

Россия давлат манфаатларини кўзлаб Яқин Шарқда ҳукмронлик қилиш учун қатъий кураш бошлашга тайёрланди. 1853 йилда Британия элчиси билан Туркияни бўлиб олиш тўғрисида музокаралар бошлашга уриниб кўрди, аммо Англия ҳукумати кулоқ солмади, натижада Николай I бу масалада ўз тактикасини ўзгартирди. Туркияни бўлиб олиш масаласи кечиктирилиб, ҳеч нарсадан тап тортмай иш қилишга ва Россиянинг фавкулотда ва устун таъсирига Султоннинг бўй сунилини талаб этишга қарор қилди. Николай I урушга баҳона кидириб “Исо тобутлари калити”ни эмас балки Усманийлар империясидаги аҳолининг кўпчилигини ташкил этган христиан халқларининг ишларига аралашishi ҳуқуқини ҳам талаб қила бошлади. Англия ва Франция Чоризм даволарига қарши чиқди. Англия ва Франция вақлларининг маслаҳати билан Султон подшонинг талабларини қабул қилишдан бош тортди. Оқибатда рус қўшинлари Молдовия ва Валахия ҳудудига кирди, натижада Таркия Россияга уруш эълон қилди. Синоп жангида турк эскадраси йўқ қилинди. 1854 йилда Австрия ҳукумати Валахия ва Молдовани бўшатиши учун Россияга ультиматум юборди, Пруссия бунга қўшилди, шу йили сентябрда Иттифоқчилар Қрим ярим оролига қўшин туширди.

1854 йил декабрда Австрия саройида Ғарб давлатлари Туркия билан иттифоқчилик шартномасини имзолади ва унда 1 январга қадар Чор ҳукумати ён бермаса, уни сулҳ тузишга мажбур этиш учун Австрия коалиция билан биргаликда ҳаркат бошлайди деб кўрсатилди.

1856 йили январида Иттифоқчилар билан биргаликда Австрия ўзининг Сулҳ шартларини қўйиб, подшога ультиматум юборди, тахтга Николай I ўрнига янги келган Александр II ультиматумни қабул қилди. Парижда имзоланган 1856 йилги сулҳ шартномасига мувофиқ, Туркия империясининг христиан аҳолиси ва дунай князликлари Европа давлатларининг “умумий хомийлиги” да бўлади деб таъкидланди, бу моддалар амалда Яқин Шарқда Англия ва Франция устунлиги ўрнатилганлигини ва Чоризмнинг бу вилоятларида алоҳида таъсирга эга бўлиш даволаридан воз кечганлигини билдиради. Қора денгизда ҳарбий флотга эга бўлишнинг тақиқланиши ва Молдавия князлигига Дунаининг қуйилиш ерларини Жанубий Бессарабияни бериш ҳақидаги моддалар Россия учун оғир эди. Европа давлатлари россияни Дунайдан четлаштирди. Бироқ ўзлари бу масалага аралашавердилар. Иттифоқчилар Туркияга ҳам енгилган давлат сифатида қарар эди, унга ҳам Қора денгизда флот сақлаш тақиқланди.

Енгилиш натижасида Чор Россияси кучсизланди. Бундан кейин унинг халқаро роли ва Европа ташқи сиёсати таъсири камая бошлади, умумевропа ишларида Англия ва Франциянинг кейинчалик Пруссиянинг ҳам таъсири кучайди.

1867 йилда янги қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ вақф ерларида яшаган деҳқонларга ўз ерларини етти пуштларигача мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини белгилаб берди.

Хунармандчилик ва мануфактура инқирозга юз тутди, бу ҳолат хунармандлар билан савдогарлар ўртасида норозиликни кучайтирди, натижада миллий-озодлик кураши кескинлашди, болгар халқининг туркларга қаршилик кўрсатишни кучайтирди. Болгарияда миллий ҳаракатнинг дастлабки ислохотларидан бири миллий черковнинг мустақиллиги учун кураш бўлди. Хунармандлар билан деҳқонларнинг ёрдамига таянган болгар буржуазияси бу ҳаракатга бошчилик қилди. Константинополдаги грек патриархияси аҳолидан катта-катта солиқлар олар эдилар. Болгариядаги олий черков лавозимлари сотиб олинар эди ва бунинг учун катта пул керак эди. Миллий Болгар черкови тарафдорлари Болгар черковига ўз –ўзини бошқариш ва олий руҳонийларни болгар аҳолиси орасидан сайлаш ҳуқуқини берилишини талаб қилдилар ва Константинопол патриархиясининг ён

бермаслиги болгар черков доиралари билан патриархия ўртасида алоқа узилишига олиб келди 1860 йили.

Туркия ҳукумати болгарлар билан греклар ўртасидаги келишмовчиликларни кучайтиришга интилиб, 1870 йил бир фармон чиқарди. 1872 йилда черков соборини чиқариб, болгар черковини схизматик (ихтилофчи) черков деб эълон қилди. Шу тариқа болгарлар билан греклар ўртасидаги черков ихтилофи бир неча ўн йилларга чўзиладиган бўлди.

Болгарияда буржуа миллий ҳаракатида икки асосий оқим бор эди. Болгар буржуазиясининг Константинополга кўз тиккан доиралари Туркия ҳукумати Болгарияда ислохотлар ўтказди деб умид қилар эди. Бухарестдаги болгар мухожирлари Россия ёрдамидан умидвор эди, 1853 йилда вужудга келган Бухарест комитети (1862 йилдан бошлаб “яхшилик учун кураш буржуаси” деб аталган) болгар халқининг озодлик учун мустақил инқилобий курашига салбий қарар эди. Бу комитет Одессадаги болгар буржуа мухожирлари ташкилоти, болгарларнинг Одессадаги норозилиги билан боғланган эди.

1860 йилларнинг иккинчи ярмида Бухарестда болгар буржуа мухожирларининг иккинчи ташкилоти Махфий Марказий комитети вужудга келди. Бу комитет Ғарб давлатлари ёрдамига таяниб Туркия давлати доирасида Болгар автономияси бўлишга интилар эди. Болгариянинг Туркия ҳукмронлигидан озод қилиш учун қуролли кураш олиб бориш йўлидаги дастлабки уриниш атоқли болгар ёзувчиси Г.Раковский (1821-1867) мақсад қўйган эди. Бироқ серб халқининг Болқондаги бошқа халқлар ва Россия билан бирдамлик қилиш ҳаракати Австриянинг Оккупация қилиш таҳдиди остида тўхтаб қолган, айрим серб кўнгиллилари Россия томонида туриб урушда қатнашган. Россия Қрим урушида енгилгандан кейин 1856 йилдаги Париж конгресси Сербия устидан Россия протекторати ўрнига Европадаги Париж сулҳи шартномасида қатнашган барча давлатлар протекторатини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сербия ҳукумати Сербия армиясини тузиш билан чекланмай, Туркиянинг жанубий славянлар яшайдиган вилоятларида агентура тузиб унинг ёрдами билан Туркияда кўзғолон кўтариш учун вилоятларда ташвиқотни авж олдириб юбордилар.

Сербия кенг кўламда, очикдан-очик ҳарбий тайёргарлик кўра бошлаган. 1862 йилдан Туркия ҳукумати ўз қўшинларини сербия чегараларига келтира бошлади. 1862 йил июн ойида Белград кўчаларида серблар билан турклар ўртасида тўқнашув бошланди. Туркия шаҳарни замбараклар билан ўққа тута бошлади. Натижада Сербия ҳукумати ёрдам сўраб буюк давлатларга мурожаат қилди ва бу давлатларнинг ташаббуси билан Константинополда элчилар конференцияси чақирилди. Сербия ҳукумати Белград воқеасини далил келтириб, турк горнизонларининг шаҳардан олиб чиқиб кетилишини, турк қалъаларининг йўқ қилинишини талаб этди. Россия ва Франция бу талабларни қўллаб-қувватлади. Лекин Англия ва Австрия уларга қарши чиқди. Натижада конференция Сербия территориясидаги мавжуд олтита турк қалъасидан икkitаси (энг муҳимлари)ни йўқ қилиниши тўғрисида келишилган қарор қабул қилди.

1866 йилги Австрия-Пруссия уруши Австриянинг Болқон ярим оролидаги таъсирини анча заифлаштирди, шу йили Крит оролидаги греклар кўзғолони туркларни қийин аҳволга солиб қўйди. Бундан серблар фойдаланиб, 1867 йилнинг бошида рус дипломатиясининг ёрдами билан турк горнизонларининг қолган қалъаларидан олиб чиқиб кетишига эришдилар. Бу Сербиянинг халқаро миқёсдаги сиёсий ютуғи эди. Турк қаръаларининг тозаланиши натижасида Болқон мамлакатларининг Туркияга қарши умумий курашига кенг миқёсда тайёргарлик кўриш учун имконият яратилди. Сербия Болқон

мамлакатларининг мустаҳкам иттифоқини тузишга интилиб, урушга дипломатик жихатдан ҳам тайёрлана бошлади. Туркларга қарши биргаликда курашиши тўғрисида Черногория билан ҳарбий шартномани имзоланиши Болқон иттифоқини тузиш йўлидаги дастлабки кадам бўлди.

1867 йилнинг иккинчи ярмида Греция билан битим тузилди, бу битим муҳофаа ҳамда ҳужум қилиш тўғрисидаги ҳарбий иттифоқ эди. Яна шу йили Руминия билан бетарафлик тўғрисида шартнома имзоланди, Руминия ўз зиммасига ҳеч қандай ҳарбий мажбурият олмаган бўлса ҳам, Россиядан келадиган қуроли аслаҳа ва бошқа зарур аслаҳаларни территориясидан ўтказишга рози бўлди. Болқон иттифоқини тузишда Россия фаол қатнашди.

Болқон иттифоқи Австрия ва Венгрияни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Австрия ва Венгрия Болқон ярим оролида йирик кучли славян давлати барпо этилишидан қўрқар, иттифоқни бузишга ҳаракат қилар эди.

Россия ташқи сиёсатининг Европадаги бош вазифаси Россия учун Қора денгиз бўғозлари масаласини ижобий ҳал этиш имкониятидан маҳрум бўлибгина қолмай, балки унинг жануби (Кавказ, Қрим, Украина) ни ҳам катта ҳавф остига қолдирган Париж сулҳининг оғир оқибатларини бартараф қилишдан иборат эди. Бу вазифани Қрим мағлубиятидан кейин энди ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмас эди. Болқон ярим оролида Россиянинг обрўсини фақат дипломатик тиришқоқлик билан тиклаш мумкин эди. Бу ниятларни амалга ошириш учун Европадаги йирик давлатлар ўртасидаги низолардан фойдаланган ҳолда иттифоқчи топиш зарур эди.

Дастлаб рус дипломатияси Франция тимсолида Европадаги кучли иттифоқчини топишга уринди. Париж конгресси давридаёқ Россиянинг Қрим урушидаги асосий душманлари Франция ва Англиянинг ташқи сиёсий ниятлари бир-бирига у қадар мос тушмаслиги ойдинлашиб қолди, бу ҳол рус дипломатиясига Англиянинг узокни кўзловчи кўпгина талабларини четга суриш имкониятини берди. Қрим урушидан сўнг Европадаги халқаро аҳвол Россиянинг Франция билан яқинлашиши учун қулай бўлиб қолди.

Наполеон III нинг босқинчилик сиёсати Австриянинг Италиядаги мулкларини босиб олиш мақсадида Австрияга қаратилган эди. “Австрия Франциянинг мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватламаса-да, Италия билан бўлган муносабатларда ўзига иттифоқчи топиши зарур эди. Бу Пруссиями, Франциями ёхуд бошқа давлат бўлади-ми, вақт кутиб турмасди”¹.

Россия билан ҳамжиҳат алоқа Наполеон III га бу режаларни амалга оширишни осонлаштирар эди. Чунки Қрим уруши вақтида Австриянинг Россияга қарши амалга оширган душманлик сиёсати, шунингдек Австрия ўз таъсирини кучайтиришга интилаётган болқондаги вазият Россияни душманлар сафига қўшмай иложи йўқ эди.

Франция билан бошланган яқинлашишнинг аломати Александр II нинг тож кийиш маросимида подшога фавкулудда эҳтиром кўрсатган ва ҳатто рус бекасига уйланиб, Петербурглик оқсуяклар билан қариндошлик муносабатларини ўрнатиб олган герцок де Морка бошчилигидаги катта француз делегациясининг келиши бўлди. 1867 йил сентябрда Штуртгартда иккала императорнинг учрашуви бўлиб ўтди, учрашувда ўзаро битим имзоланди ва унга мувофиқ Россия Францияга Италияда эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини Франция эса Россияга Болқондаги ишларида кўмаклашишга ваъда берди.

¹ Рубинштейн Е.И. Крушение Австро-Венгерской монархии. М.: 1980. Стр-78.

Рус дипломатияси Франция билан яқинлашишдан ўзини Болқондаги таъсирини кучайтириш учун фойдаланди. Франция билан ҳамкорликда у Дунай князликлари Молдавия ва Валахиянинг умумдават идораси сафидан жой олган бирлашишини тайёрлашга эришди. Россия ва Франция Сербия ҳамда Черногорияни Туркияга қарши курашида қўллаб-қувватлади.

Савайя ҳамда ницанинг Францияга қўшиб олинисига эришгач, Наполеон III Болқон масаласида Россия билан алоқасини узади. Наполеон III Анлия ва Австрия билан биргаликда поляклар фойдасига дипломатик демарш қўллаган. 1863 йилда Польша кўзғолони даврида Россиянинг Франция билан муносабати ошкора ёмонлашди. Биссмарк бошчилик қилаётган Пруссия 1863 йилдаги Польша кўзғолони вақтида подшо кўшинларига Пруссия территориясида поляк исёнчиларини таъкиб этишга эрк бериб, чор ҳукуматиға олийжаноблик ёрдамини кўрсатди.

1870 йили Пруссия ҳамда Франция ўртасида уруш бошланади, Австрия Францияга ҳайрихоҳ бўлсада, бироқ Россиядан кўрқиб, бетараф бўлиб олади. Биссмарк учун муҳим масала Қора денгизда Россиянинг флотга эга бўлишини таъқиқловчи Париж битимини шартларини бекор қилинишида тўла кўмак беражаги ҳақидаги ваъдаси эканлиги яна қайтадан таъкидланди.

Франция мағлубияти туфайли Европада вужудга келган шароитни ҳисобга олиб ҳамда Биссмаркнинг ваъдасига таяниб, 1870 йил октябрда Россия ташқи ишлар вазири Европа далавларига Царкупяр мактуб юборди. Унда Париж битими бошқа давлатлар томонидан бузилаётганлиги боис Россия бундан буён ўз ҳуқуқларини чеклаб қўювчи бу битим шартларини тан олмаслигини баён қилди. Россиянинг Париж битимини шартларини бажаришдан бир томонлама бош тортаётганлиги Европада, айниқса Англия ва Австрияда қаттиқ норозиликни келтириб чиқарди. Конференция чақириш масаласи қўйилди. Биссмарк Англия ҳукуматиға гарчи Россия талабларининг баён этиш шаклини гўё қўллаб-қувватламасада, бироқ Россиянинг ҳақ эканини билдирди.

1871 йил январда Лондонда йиғилган конференция Париж битимининг юқорида кўрсатилган моддаларини бекор қилиш ҳақидаги Россиянинг талабаларини тасдиқлашга мажбур бўлди. Шу тарзда чоризм йирик дипломатик ғалабага эришди. 1870-1871 йиллардаги Франция-Пруссия урушидан кейин вужудга келган Герман империяси билан Россия ўртасида бошланган яқинлашиш кейинги йилларда ҳам давом этди. Бу яқинлашиш рус помещикларининг иқтисодий манфаатлари билан (Россиядан экспорт қилинадиган буғдойнинг тахминан 1/3 қисмини Германия сотиб олар эди) шунингдек ҳар икки давлатнинг Европадаги инқилобий ҳаракатга қарши курашдаги реакцион сиёсатининг умумийлиги билан боғланган эди. 1873 йили Германия императори Вильгельм Петербургга келди ва бу ерда Россия ва Германия ўртасида ҳарбий мудофаа конвенцияси имзоланди. Германия билан келишув Россияга Германиянинг эндиликда иттифоқчиси бўлиб қолган Австрия билан яқинлашиш заруратини келтириб чиқарди. Россия Австрия билан келишиш орқали Болқондаги ўз ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Европадаги реакцион кучларни бирлаштиришга уриниш сифатидаги “Уч император иттифоқи” мана шундай тарзда юзага келди, лекин бу иттифоқнинг умри қисқа бўлиб чиқди. Чунки унинг аъзолари ўртасидаги зиддият кучая бошлади. Германия ва Россия ўртасида иқтисодий ҳамда сиёсий заминда Австрия ва Россия ўртасидан айниқса болқон ярим оролига бўлган рақобатда. Болқон ярим ороли халқларини (греклар, серблар, черногориялик болгарлар, руминлар) Туркияга қарши миллий озодликлари учун олиб борган курашлари тўхтатилади. Дастлаб Черногорияда, Герцоговинада ва Грецияда кўзғолонлар бўлиб ўтди. Сербияда мустақиллик учун кураш кучайган пайтда Дунай князликларида (Молдавия ва Валахия) бир давлат остида бирлашишга интилиш кучайди. “Чор ҳукумати Яқин Шарқдаги ўзини иқтисодий ва

сиёсий вазиятини кучайтириш мақсадида Болқон халқларининг Туркияга қарши олиб борган курашини қўллаб-қувватлаш сиёсатини юргизди”¹.

Англия Россиянинг интилишларига қарама-қарши ҳаракат қилишдан иборат анъанавий йўлини давом эттирди. Ғарбдаги Пруссия ҳамда Франция билан бўлган тўқнашувларда мағлубиятга учраган Австрия эндиликда Болқонни экспансия қилиш йўли билан фақат шарққа қараб юришга умид қилиши мумкин эди. 1860 йилларда Россия Болқон масаласида дастлабки бир қатор ғалабаларни қўлга киритди. 1866 йилда Россия ёрдамида Болқон давлатлари кучларини Туркияга қарши йўналтирган Сербия, Черногория, Греция ва Руминиядан иборат иттифоқ юзага келди, бироқ мана шундан кейин рус дипломатияси мағлубиятга учради, Руминияда Австриянинг таъсири кучайди, Болқон давлатларининг иттифоқи бузилди.

Россиянинг Болқондаги рақобатчилар билан курашидаги муҳим устунлиги Туркияга қарши курашаётган кучларнинг энг асосийси Болқон ярим оролидаги болгар, серб каби словян халқларининг унга нисбатан муносабати эди. Улар Россияга ўзларининг анъанавий ҳомийси ва ҳимоячиси сифатида қарар эдилар, Қрим урушидан сўнг Россия жамоатчилиги чет эл зулми остида бўлган славянларга турли хилдаги ёрдамлар кўрсатишни кучайтирган. Славян комитетлари ва бошқа ташкилотларнинг амалий фаолияти, улар қўйган асосий сиёсий мақсадларидан қатъий назар, ижобий натижаларга олиб келди.

1875 йилда Босния ва Герцоговинада қўзғолон кўтарилди ва тез орада кенг ёйилади. Бунда Рус ҳукумати унинг аҳолисига илгари мустақиллик олган Руминияга ўхшаш мустақиллик бериш лозимлиги ҳақида Туркияга баёнот билан мурожаат қилди. Австрия-Венгрияда қўзғолон кўтарган славянларнинг ҳимояси масаласида Россия қўлидаги ташаббусни мустаҳкамланишидан чўчиб Россиянинг дипломатик чиқишига қўшилди. “Ғарчи Болқон халқлари бир томондан Туркия, иккинчи томондан Европа давлатлари учун жуда яхши нишон эканликларини, қўзғолонлар кўтарилган тақдирда ҳам барча хатти-ҳаракатлар зое кетишини англашсада, улар Россия ёрдамидан умид уза олишмасди”². Россия ҳамда Австрия-Венгриянинг таклифи Париж битимига имзо чеккан давлатлар томонидан қабул қилинди ва словян аҳолисининг турклар билан тенг ҳуқуқлисини вужудга келтирувчи диний эътиқодларга эркинлик бериш, солиқларни енгиллаштириш ва бошқа шу кабиларни қўзловчи талаблар ислоҳот сифатида Туркияга топширилди.

Туркия ислоҳотлар ўтказишга кўнади, бироқ қўзғолончилар босния ва Герцоговинадан турк қўшинлари чиқарилмагунча, ваъда қилинган ислоҳот амалга ошмагунча ва қўзғолончилар қўйган ўзидан қурол сақлаб қолишга ҳуқуқ ҳамда турк помещикларини қўлида бўлган ернинг 1/3 қисми словян деҳқонларига берилиши каби қўшимча талаблар бажарилмагунча курашни тўхтатишни хохламадилар.

Россия ташқи ишлар вазирининг ташаббуси билан “Уч император иттифоқи” Туркияга асосан қўзғолончиларнинг талаблари маъқулланган “Берлин меморандуми”ни топширишга ҳозирлик кўрди. Бироқ Англия уч давлат меморандумини қўллашдан бош тортди ва унга қадар Туркия томонидан олинган мажбуриятларини ҳам бадармасликка Туркияни кўндирди. Бир вақтнинг ўзида Турк ҳукумати туркларнинг зўравонлиги ва таъқибларига қарши бош кўтарган қўзғолончиларни шафқатсизлик билан бостира бошлади.

Сербия ва Черногория, Босния ва Герцоговина қўзғолончиларни шафқатсизлик билан бостира бошлади.

¹ Памолоч Г. Исторический очерк народной воны за недвижности Греции. Т.1,-2. М.: 1967. стр-168.

² Савельев П.И. Болканские народы в спектре внешних отношений России. М.: 1978. стр-134.

Сербия ва Черногория, Босния ва Герцоговина қўзғолончиларга ёрдам бериш мақсадида иттифоқ тузишади. 1876 йили июнда улар Туркияга қарши уруш эълон қилишади.

Болконда урушга кирмоқчи бўлган Россия учун халқаро ахвол ноқулай эди. Болконда Россия мавқеининг кучайишига асосий рақиб Англия эди. Шунингдек Австрия-Венгрия ҳам Россияни Туркияга қарши хужумкорона сиёсатини ҳар қандай йўл билан қўлловчи бирдан бир шериги Германия канцлери Бисмарк билан тил бириктирган эди. Бироқ Россия билан Туркия ўртасида ҳарбий тўқнашув юзага келган тақдирда Россияга реал ёрдам кўрсатиш ниятидан узоқ эди.

Россия дипломатияси Туркия билан уруш кетаётган бир пайтда Австрия-Венгриянинг ҳаракат қилишидан россияни хавфсизлантириш учун мавжуд барча тадбирларни кўрди. 1876 йили июлида Рейхштатда икки император – Александр II ва Франц Иосифларнинг учрашуви бўлиб ўтди ва бу учрашувда Россия билан Австрия-Венгриянинг Болконда ҳамкорликда ҳаракат қилишга келишиб олинди. Бироқ бунинг эвазига Россия Болкон славянлари фойдасига айрим ён беришларга мажбур бўлди. Австрия-Венгрия Босния ҳамда Герцоговинанинг бир қисмини ўзига қўшиб олиш ҳуқуқини олди. Россия Болкон ярим оролида йирик славян давлатини вужудга келишига зид ҳаракат қилиш мажбуриятини олди.

Дастлаб серб армияси уруш ҳаракатларида муваффақиятга эришди, кейинчали мудофага ўтишга тўғри келди. 1876 йили серб армияси катта мағлубиятга учради.

Россиянинг тайзиқи остида Туркия ярашишга кўнади ва шу йўл билан Сербияни турк қўшинларини бостириб киришидан сақлаб қолди. Константинополда Европа давлатларини конференцияси чақирилди ва унда Босния Герцоговина ҳамда Болгарияни автономлаштириш лойиҳаси қабул қилинди. Бу автономияни Туркия ҳукумати амалга ошириши лозим эди. Бироқ Англиянинг таъсирида бўлмаган Туркия умумдават конституцион ислоҳот ўтказиш баҳонасида конференция қарорини бажаришдан бош тортди. Маълумки Туркияда “1876 йили султон Абдулхамид II конституция қабул қилинишига рози бўлган эди. Бу конституция расман 1876 йил декабрида қабул қилинди”¹. Россия ҳукумати тинч йўл билан Туркиянинг ён беришига эришиш учун яна бир бор уриниб кўрди. Аммо Англия кўмагига ишонган Туркия Россиянинг таклифини қатъий рад этди ва уруш чиқариш учун фитна қўзғашда давом этди.

1877 йил апрелида Россия Туркияга уруш очиш ҳақида эълон қилди.

¹ Васильев Л.С. История Востока. В 2-т. М.: 1998. Т.2 стр-143.

3. Уруш якунлари ва натижалари

Ҳарбий ҳаракатлар Болқон ярим ороли ва Кавказда авж олди. Россия империясининг асосий кучлари Руминияда, Бухарест яқинида тўпланди. Уларнинг сони 250 мингдан ортиқ эди. Уларга болгар халқ лашкарлари ҳам қўшилганди. Дунайдаги турк армияси 200 минг кишига ҳам етмас эди. Кавказда 70 мингга яқин рус қўшини ҳаракат қилар эди. Урушнинг боришида Болқон ҳарбий ҳаракат саҳнасидаги ҳарбий операциялар асосий ҳал этувчи аҳамият касб этди.

1870 йилдаги ҳарбий ислохотлар рус армиясини Крим уруши даврида кўзга ташланган айрим камчиликлардан бартараф этди, ҳамда замонавий қуроли яроғлар билан таъминланган, умумий ҳарбий мажбурият асосида тўлдирилган армиянинг офицерлар таркиби анча яхши тайёрланган эди. Армиянинг бошқарилиши унинг таъминоти ва ҳарбий операцияларни бошқариш яхши йўлга қўйилган, ҳаракатдаги армияга ҳам жанговар тажрибага эга бўлган, ҳарбий ҳаракатларни бошқаришга иқтидорли шахслар қўйилган. Урушнинг Россия учун муваффақиятли якунланишини таъминланган муҳим сабаблардан бири Россия армиясини матонатлилиги, жанглардаги жасорати ва ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишдаги чидамлилиги каби ҳислатлар эди.

Рус армиясининг Болгария ичкарасига тобора ичкарилаб кириб бориши давомида унга қўплаб қўшилаётган болгар кўнгиллилари билан рус солдатлари ўртасидаги жанговар ҳамкорлик, болгар халқининг миллий-озодлик ҳаракатидаги оммавий кўтарилиш катта аҳамият касб этади. Болгарлар рус солдатларини озиқ-овқат билан таъминладилар, уларга хандаклар қазиди, оғир қуроли олиб келишда кўмаклашдилар, йўл бошловчи бўлдилар.

Россия қўшинларининг Дунай фронтидаги жанговар ҳаракатлари 1877 йил июнида Систово яқинида Дунайни муваффақиятли кечиб ўтишдан бошланди. Турклар рус қўшинларининг сиқуви остида чекиндилар генерал Гурконинг 10 минг кишилик отряди ўзининг шиддатли ҳужумини ривожлантириб, Болқон тоғларини қўлга киритди, чўққилардан ошиб ўтиб, тоғнинг ўнг қанотига тушди ва туркларнинг Андрианополга чекиниши йўлга хавф солди. Бироқ генерал Гурко қўшинлари фронт орқасидан узилиб қолган ҳолда Сулаймон пошшо қўмондонлигидан турк армиясига тўқнаш келганлиги боис тоғ давонларига чекинишга мажбур бўлди. Бу ерда Гурко қўшинлари рус армиясининг асосий кучларига хавф солган турк қўшинларининг олдига қараб силжишни тўхтатиш лозим эди. Урушнинг энг қаҳрамонона жанг қилинган лавҳалардан бири руслар томонидан Шипка давонини турк қўшинларининг энг катта кучлари ҳужумларидан ҳимоя қилишдан бошланди. Шипка давонининг ҳимояси қишнинг қор ва совуқларида, оғир тоғ шароитида, серқоя чўққиларда бир неча ой мобайнида давом этди. Шипка ҳимоясида болгар кўнгилли қўшинлари ҳам ёрдам берди.

Болгариянинг шимолидаги турк қалъалари (Шумла, Варқа) қуршаб олинган эди, ғарбий йўналишда рус қўшинлари Никополь қалъасини ишғол қилади.

Дастлабки муваффақиятларга учради. Усмон пошшо қўмондонлигидаги турклар бир кечада йўллар кесишадиган муҳим стратегик жой ҳисобланган Плевнани эгаллади ва шу ердан улар рус армиясининг ўнг қанотига ҳамда ўзаро алоқа йўлларида хавф туғдира бошлади. Россия қўмондонлиги Плевнани аҳамиятини ҳисобга олмай стратегик хатоликка йўл қўйди, улар ўз районидаги туркларнинг хатти ҳаракатини кўрмай қолди, натижада армия оғир талофатни бошдан кечирди ва урушнинг кейинги боришида ноқулай шароит юзага келди. Кучлар тенг бўлмаган шароитда Плевнани эгаллаш учун Русларнинг биринчи уриниши турклар томонидан осонлик билан қайтарилди. Орадан 10 кун ўтгач (30 июль) 30 минг кишилик қўшин билан уюштирган ҳужуми яна қайтарилди. Плевнада яхши

мустаҳкамланиб олган турк қўшинлари, Россия қўшинларига катта талофат етказиш билан сиқувни қайтарди. Натижада Россия қўмондонлиги ҳужумни тўхтатишга мажбур бўлди. “Мадад кучлар, ўқ-дори ва боғлаш материаллари етишмаслиги, совуқ об-ҳаво шароитида бораётган жанглар мобайнида кўп қурбон берилган эди”¹.

Натижада Россиядан қўшимча гвардиячи мада кучлар чиқартирилади, шу билан бирга жангга румин қўшинлари ҳам киради. 11 сентябрда Плевна истеҳкомини эгаллаш учун катта кучлар билан жанг бошланади, бир неча кун давом этган қонли жанглардан сўнг руслар 15 мингга яқин қўшиндан ажралади. Плевна эгаллана олмайди.

1877 йилда бу жанг Рус армиясининг энг катта муваффақиятсизлиги эди. Натижада Плевна қамали бошланди, декабрь ойининг бошларида озиқ-овқатга эҳтиёжи ортган пайтда Усмон пошшо қуршовни ёриб ўтишга уриниб кўрди, лекин муваффақиятли чиқмади. Усмон пошшо таслим бўлишга мажбур бўлди.

Плевнанинг қулаши билан урушнинг охириги босқичи бошланди. Катта талофатлар ва мамлакатдаги оғир молиявий шароит россиядан урушни тезроқ якунлашни талаб этар эди.

Жангдаги муваффақиятли юришни мустаҳкамлаш ва туркларнинг саросимага тушганидан фойдаланиш лозим эди. Бу пайтда серблар ҳам катта куч тўплаб туркларга қарши муваффақиятли ҳужум бошладилар.

Туркия қўмондонлиги русларнинг ҳужумига ҳаддан ташқари оғир шароитларини туғдирган қорли совуқ Болқон доvonларида русларни тўхтатиб қолишига умид боғлар эди. Болқондан ошиб ўтиш учун Россия қўшинлари 3 отрядга бўлинган эди. Йигирма беш градусли совуқда дара ва жарликлар оша музлик ҳамда қалин қорликлардан генерал Гурко отряди ўзининг қахрамонона ошиб ўтишини бошлаганди. Хатто оғир тўпларни солдатлар қўлларига кўтариб олишга тўғри келар эди.

Россия қўшинлари генерал Родецкий бошчилигида Шипка давонидан ўнгга қараб сиждиди. Шипка олдида жойлашган Турк қўшинлари ўраб олинган ва бироз қаршилиқ кўрсатиб, таслим бўлишганди. Турклар Фалинипполь остоналарида рус қўшинларини охириги марта тўхтатиб қолишга яна бир марта уриниб кўрди. Уч кунлик жангдан сўнг Андрианополис эгалланди. Шу пайтнинг ўзида серблар ва Черногорияликлар муваффақиятли ҳужумларини кучайтирдилар. Кавказ фронтида эса турклар мағлубиятга учради. Россия қўшинлари Карс ва Боязидни эгалладилар, Арзирумга яқинлашдилар.

Мана шундай ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган бир ҳолатда Туркия сулҳ таклиф қилишга мажбур бўлди. Турк султони Россия императорига йўллаган телеграммасида урушни келтириб чиқарган “бахтсиз шароитлар” ҳақида афсус ва надоматлар билдириб имкон борида тезроқ беҳуда қон тўкилишларига чек қўйишни астойдил сўради. Россия учун ҳам тезлик билан сулҳ тузиш зарур эди. Моддий ресурслар ва одам кучларининг танглиги рус ҳукуматини қийнаб қўйган эди.

Туркия устидан қозинилган ажойиб ғалабалардан сўнг ҳам Россия армиясининг шароити оғир бўлиб, фронт орти билан алоқа ҳаддан ортиқ чўзилиб кетган эди, денгиздан Англия флоти ҳавф солар, қийим-бошлар ҳам танқис эди, бундан ташқари қўшин ичида юқумли касалликлар кенг тарқалиб бораётган эди.

Россия қўшинлари Константинополдан 12 км масофадаги Сан-Стефано қишлоғини эгаллашди. Пойтахтни босиб олишдан Россия ҳукумати ўзини тийиб турди, чунки

¹ Из истории болгарско-русской дружбы. М.: 1984. стр-61.

Константинопол эгалланган тақдирда Англия ва Австрия Россия билан дипломатик алоқаларни узиб қўйиши хавф солмоқда эди.

“1877-78 йиллардаги Россия – Туркия урушининг энг муҳим натижаси шу бўлдики, Болгария давлатининг тикланиб Сербия, Черногория ва Руминия Туркия асоратидан узил-кесил озод этилди”¹. Бу ҳақида 1878 йил 3 мартда урушувчи томонларнинг вақллари Сан-Стефанода сулҳ шартномасига имзо чекдилар.

Сан-Стефано сулҳ шартномасига биноан Туркия томонидан Черногория, Сербия ва Руминиянинг тўла мустақиллиги тан олинди. Шу билан бирга Черногория ва Сербия ҳудудини анча кенгайтириб олдилар. Янги давлат – Болгария князлиги вужудга келди ва ўз таркибида Дунайдан тортиб Эгей денгизига қадар болгар аҳолиси бўлган (Болгариянинг ўзи Шарқий Руминия ҳамда Македониянинг бир қисми) барча ҳудудни қамраб олди. Сан-Стефанода тузилган даслабки сулҳ шартномасига мувофиқ Болгарияда ўзини идора қилувчи христиан ҳукумати ва Земство қўшини бўлган князлик ташкил қилинди.

Сан-Стефано шартномасига мувофиқ белгиланган Болгария чегаралари Жанубий Добруджа, Шимолий ва Жанубий Болгария, Македонияни ўз ичига олди. Ғрабда Болгария таркибига Пирот ва Вранский округлари киритилди, умумий майдони 160 минг квадрат километрни ташкил қилди. Жанубий чегараларни Стурма ва Места дарёлари келиб қуйиладиган районларидан Эгей денгизигача бориб тушган эди. “Болгар халқининг кўп асрлик орзу – умидлари шу тариқа рўёбга чиқди. Лекин Ғарбий Европа давлатларининг Сан-Стефано сулҳидан норози эканликлари тез орада бу ютуқларни йўққа чиқариши мумкин эди”².

Англия Сан-Стефано сулҳ шартномасини ўз манфаатлари учун таҳдид деб билди. Шу боис қатъий норозилик билдирди. Англия айниқса Болгариянинг Эгей денгизига чиқишига қатъий қарши чиқди. Англия Болгарияда таъсири кучайиб кетган Россиянинг ҳарбий денгиз базалари қуриш учун Болгариянинг Эгей денгизи соҳилидан фойдаланиши ва Англиянинг Ўрта Ер денгизигаги коммуникацияларини хавф остида қолдириши мумкинлигидан ҳавотирга тушди.

Туркия билан урушда заифлашиб қолган Россия Англиянинг сиқувига дош беролмас эди. Натижада 1878 йил 30 майда Англия таклиф қилган шартлар асосида у билан битим тузишга мажбур бўлди. Бу битимнинг иккинчи моддасида “Болгариянинг жанубдаги чегараси уни Эгей денгизидан узоклаштиришга қаратиб, ўзгартирилади” дейилган эди. Учинчи модда Болгариянинг ғарбдаги ҳудудини қирқиб ташлашга қаратилган эди. Тўртинчи моддада Болгариянинг ўз ҳудудини икки қисмга бўлиб ташлаши кўзда тутилган эди, бундан бир қисми Болқон тоғ тизмаларидан, Шимолдаги қисми “Князь ҳукумати қўл остидаги сиёсий автономия” олар эди. Иккинчи, Болқондан Жанубдаги қисми эса “Европанинг розилиги билан” Султон томонидан тайинланадиган “Християн губернатори бўлган маъмурий автономия” олар эди.

Болқон ярим оролининг сиёсий тузуми тўғрисидаги масала Европадаги буюк давлатларнинг халқаро конгрессида узил-кесил хал этиладиган бўлган эди.

Шу билан бирга инглиз агентураси Жанубий Болгариядан Радопи тоғлари районидаги турк аҳолисининг қуроли кўзғолонини уюштиришга ҳаракат қилди. Мақсад халқаро конгрессда таъсир ўтказиш эди. Бу билан бу ердаги аҳолининг кўпчилиги

¹ Достен И.С. Борьба сербского народа против Турецкого господство XVI-XIX веках. М.: 1968. стр-158.

² Тереньтев В.П. Создание болгарского государства. XIX –нач XX вв. М.: 1978.стр-93.

болгарлар эмас, балки турклар эканини ва шунга биноан бу ерларни Туркия империяси таркибида қолдирилиши лозим эди.

Родопи тоғларида турклар жойлашиб олган, хатто ўз миллий армиясини тузган эди. Инглиз офицерлари ва курол-яроғлари юборилди. Англия ва уни қўллаб-қувватлаб турган давлатлар, айниқса Австрия-Венгрия бошқа тактика юргизмоқчи бўлдилар. Инглизлар ташаббуси билан Родопи тоғлари ёнида тўпланиб қолган турк қочоқларини жойлаштириш халқаро комиссияси тузилди. Бу комиссияни мақсади Жанубий Болгарияда туркларни кўпайтиришдан, ғарбий давлатлар томонидан Россиянинг Болгариядаги таъсирига қарши олиб борилган курашда уларни ўз таянчига айлантиришдан, Жанубий Болгарияни Туркия составида мустаҳкамлаб қолишдан иборат эди.

Болгариядаги Россия маъмурлари Англия ва бошқа Ғарбий давлатларнинг мақсадларини англаб, унга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўрдилар. Улар инглизларнинг турк жимноятчиларига аминистия бериш тўғрисидаги таклифини рад қилдилар ва Болгария территориясида юз берган ёвузликларга аралашган шахслар судга берилади деб баён қилиниб уни амалга оширила бошладилар. Шу тариқа Болгарияда Турк феодал ер эгалиги тугатилди, инглизларнинг жанубий Болгарияда турк элементини кучайтириш йўлидаги ҳаракатлари барбод бўлди. “Туркиянинг болгар ерларида таъсирининг заифлашуvidан барча давлатлар манфаатдор эди. Бироқ Туркия бой берган позициялар эндиликда Россия тасарруфига ўтишига ҳам йўл қўйиб бўлмасди”¹.

Лекин Англия ва Австрия – Венгрия бошчилик қилган ғарбий давлатлар асосий ҳал этувчи масалада ғалаба қозондилар. Уларнинг ташаббус билан Сан-Стефано сулҳ шартномасини қайта кўриб чиқиш мақсадида Берлинда (1878 йил 13 июнь – 13 июль) халқаро конгресс чақирилган эди. Англия билан Австрия-Венгрия Болгариянинг жанубий чегараси Болқон тизма тоғларидан нарига ўтмасин, деб олдиндан келишиб олган эдилар. Австрия-Венгрия Босния билан Герцоговинани, Англия эса Кипр оролини ўз қўлига олишни истар эди. Конгрессда Бисмарк Англия билан Австрия-Венгрия позициясини қўллаб-қувватлади.

Натижада Сан-Стефано сулҳ шартномаси Берлин конгрессида ўзгартириб юборилди. Берлин конгрессининг қарори билан Болгария князлиги ҳудуди Шимолда Дунай дарёси ва Жанубда Эски Планино билан Ғарбда Тимок дарёси ва Шарқда Қора денгиз билан чегараланди, унда Болгарларнинг манфаатини ҳимоя қилиб чиққан рус делегациясининг ҳаракати билан София ва Кюстенвиль округлари Болгария князлиги составига киритилган эди. Улар жуда муҳим иқтисодий ва стратегик районлар бўлиб, Вендан Стамбулга ва Дунайдан Эгей дегизига борадиган йўллар шу райондан ўтар эди. Сан-Стефано сулҳ шартномасига мувофиқ Болгария территорияси 160 минг кв. км бўлган бўлса, Берлин конгресси қарори бўйича унинг ҳудуди 62776 кв. км га келтирилди. Аҳолиси икки миллион кишидан иборат бўлди. Болгария князлиги Султон суверенитети остида бўлиб, унга хирож тўлаб туриши лозим эди.

Европа давлатларининг Туркия билан тузган ҳамда тенг ҳуқуқли бўлмаган (капитуляция) шартномалари Болгария князлигига ҳам тадбиқ қилинди. Болгария ўз территориясидан ўтган чет эл мослари учун бож олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Туркиянинг Австрия-Венгрия олдидаги ва Туркиянинг Европа қисмидаги темир йўллардан фойдаланиш жамияти олдидаги қарз мажбуриятларининг бир қисми, шунингдек Рус-Варна темир йўл компаниясидан қарзлари Болгария зиммасига юкланди. Россиянинг қўшинлари

¹ Русско-Турецкая война 1877-1878 гг и судьба Турции. М.: 1979. стр-83.

Болгарияда туриш муҳлати Сан-Стефано сулҳ шартномасида кўзда тутилган икки йилдан тўққиз ойга келтирилди.

Шимолда Эски Планино билан, Жанубда Родопи тоғлари ўртасидаги, Ғарбда Ихтимондан Шарқда Қора денгизгача бўлган вилоят (Жанубий Болгария) автоном вилоят ҳуқуқи билан Туркия таркибида қолдирилди. Берлин конгресси бу вилоятнинг Болгар харақтерини ҳаспўшлаш учун инглиз делегациясининг таклифларига мувофиқ бу вилоятга Шарқий Руминия деган ном берилди, унга Султон христианлардан тайинлайдиган губернатор бошлиқ қилиб қўйилди. Шарқий Руминия статутини ишлаб чиқиш учун халқаро Европа комиссияси тузилган эди.

Сан-Стефано сулҳ шартномасига мувофиқ Болгария таркибига киритилган Македония билан Франция илгаригидек Туркия составида қолаверди. Бу ҳақда Болгария газетаси шундай ёзган “Бу конгресс “кушхона” бўлди, бу кушхонада турклар мажақлаб ташлаган ва қопқора қонига беланган болгар танасига инглиз пичоғи урилди”¹.

1877-1878 йиллардаги Рус-Турк уруши Сербия, Черногория ва Руминиянинг туркларга қарамлигидан узил-кесил озод бўлишга олиб келди.

1876 йилдаёқ Сербия Туркияга қарши уруш эълон қилди, лекин мағлубиятга учради. Натижада йил охирида ярашишга мажбур бўлди. 1877 йили декабрда Россия қўшинлари муваффақият билан ҳужум олиб бораётган бир вақтда Сербия яна Туркияга қарши урушга киришди. Жануб ва Ғарбдаги районларни ишғол этди. Берлин конгрессида ғарбий давлатлар сербияга нисбатан ҳам душманлик муносабатида бўлдилар. Сербиянинг Босния, Герцоговина ва Эски Сербия (нови пазор) тўғрисидаги даволари қондирилмади. Босния билан Герцоговина Австрия-Венгрияга бўй сундирилди. Нови пазор Туркия қўлида қолдирилди. Сербия фақат ўзи озод қилган Ниш округини ўз қўлида мустақкамлаб қолди. Пирот ва Враньский округлари ҳам берилди. Бу округлар Сан-Стефано сулҳ шартномасига мувофиқ Болгария саставига қаратилган эди.

Берлин конгресси Сан-Стефано шартномасида эълон қилинган Сербиянинг Туркиядан мустақиллигини тасдиқладию, лекин Сербия зиммасига чет эл товарларидан транзит божлари олмаслик мажбуриятини ва янгидан қўлга киритилган территорияларга нисбатан Туркиянинг чет эл давлатлари олдидаги қарз мажбуриятларини юкледи.

Босния билан Герцоговинадаги қўзғолонга Черногория билан Сербия бирга ёрдам берди. Черногория билан сербия биргаликда 1876 йилда Туркияга қарши уруш бошлади. Лекин Черногория Сербиядан фарқли ўлароқ ярашмади, то Россия-Туркия уруши томон бўлгунга қадар Туркияга қарши урушни давом эттираверди. Сан-Стефано сулҳ шартномасига мувофиқ Черногория Туркиядан тамомила мустақил бўлиб олди, ҳудуди 10 минг кв км дан ошди.

Берлин конгресси Черногориянинг Сан-Стефано шартномасига мувофиқ қўлга киритган территориясини 10 минг кв км дан 7 минг кв км га келтирди. Унинг Антивари портини ҳам шу билан бирга Черногориянинг бутун денгиз соҳилини ҳам Австрия-Венгрия назорати остига қўйди, бундан ташқари Туркияда олиб борилган янги ҳудудлар учун Усмонийлар давлати тўлайдиган қарзнинг бир қисмини тўлаш Черногория зиммасига юкланган эди. Черногориянинг Сербиядан узиб қўйиш ва шу билан бирга уларнинг бирлашишига йўл қўймаслик учун улар ўртасидаги ер (Нови – Позор Санжаки) Туркия тасарруфида қолдирилди. Ва бу ерга Австрия қўшинлари киритилди.

¹ Тодоров Г.Д. Болгарская общественность и русско-Турецкая война 1877-1878 годов. М.: 1958. стр.166.

Руминия Австрия-Венгрияга қарам эди, у ғарбий давлатларнинг Туркияга нисбатан юргизаётган сиёсатини қўллаб-қувватлаб, славянларнинг турклар зулмига қарши 1875-1876 йилларда олиб борган кураши даврида қатъий бетарафликка амал қилиб келди. лекин Россиянинг туркияга қарши уруши халқнинг озодликка интилишининг кучайишига сабаб бўлди, компенсация тўғрисида узок вақт савдолашганидан кейин Руминия ҳукумати 1877 йил апрелдан Россия билан шартнома тузди, бунга мувофиқ Руминия Россия қўшинларининг Дунай орқали бемалол ўтишига имкон берадиган бўлди. Россия эса Руминиянинг давлат чегаралари ва муассасалари дахлсизлигини таъминлашга ваъда берди, шундан кейин 1877 йил 21 майда Руминия ўзини Туркиядан мустақил деб эълон қилди ва унга бож тўлашни тўхтатди. Руминия қўшинлари Плевна ёнида туркларга қарши жангларда иштирок этди. Сан-Стефано шартномасида сўнгра Берлин конгрессида ҳам Руминиянинг мустақиллиги тасдиқланди.

Бессарабиянинг 1856 йилги Париж ТРАКТАТИГА мувофиқ Руминияга ўтиб кетган қисми Россияга қайтарилиб берилди. Шимолий Добружа ва илонлар ороли руминияга берилди. Берлин конгресси Руминия зиммасига Руминия орқали ўтадиган товарлардан транзит божи олмаслик вазифасини юкледи.

ХУЛОСА

Бизга тарихдан маълумки, Россия ва Туркия муносабатлари давомида Қора денгиз ва унинг атрофидаги ерларга эгалик қилиш борасида ўнга яқин урушлар олиб борилган.

Бу урушлар давомида, дам у давлат, дам бу давлат ғалаба қозонишга муваффақ бўлган. Лекин бу икки давлат ўртасидаги ҳар қандай алоқа ва муносабатлар халқаро алоқаларга жиддий таъсир кўрсатган, хатто уларнинг бу воқеаларга бе восита иштирок этишга мажбур этган.

XIX асрнинг 50-йилларида Яқин Шарқ масаласи Европа давлатларининг диққат марказида турган, унда ҳукмронлик қилиш учун Россия билан Ғарб давлатлари, Англия билан Франция ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб кетган.

Грецияга таъсир ўтказиш учун кураш Яқин Шарқдаги аҳволни янада кескинлаштириб юборган. 1830 йиллардан бери бу давлат уч давлат Англия, Франция ва Россия таъсири остида қолиб келаётган эди.

Болқон ярим оролида Англия Туркия зулмини қўллаб-қувватлади. Франция ва Англия Туркияга қаттиқ тазийқ ўтказиб 1853 йилда христианларнинг Қуддус ва унинг атрофидаги азизи жойларини католик рухонийлари қўлига топшириш тўғрисидаги Султоннинг фармонини чиқаришга эришдилар.

Россия эса Усмонийлар империясида аҳолининг қўпчилигини ташкил этган христиан халқларининг ишларига аралашishi ҳуқуқини ҳам талаб қила бошлади. 1856 йилги Париж сулҳи натижасида Россиянинг халқаро обрўси тўкилган эди, чунки унда Туркия империясининг христиан аҳолиси ва Дунай князликлари Европа давлатлари “умуий хомийлиги” да бўлади деб таъкидлаган эди. Бу эса амалда Яқин Шарқда Англия Франция устунлиги ўрнатилганлиги ва Россиянинг бу давлатларда алоҳида таъсирга эга бўлиш даъволаридан воз кечганлигини балдирар эди.

Қора денгизда ҳарбий флот сақланишнинг таъминланиши ва Молдовия князлигига Дунайнинг қуйилиш ҳудуди ҳамда жанубий Бессарабияни бериш тўғрисидаги моддалар Россия учун оғир эди. Ғарбий Европа давлатлари россияни Дунай ҳавзасини четлаштирди, лекин ўзлари Дунай масаласига аралашавердилар.

Иттифоқчилар Туркияга енгилган давлат сифатида қарадилар. Қора денгизда ҳарбий флот сақлаш тақиқланди, Севастопол Россияда қолдирилди, карсдан рус қўшинлари олиб чиқиб кетилди.

Крим урушида Россиянигина эмас, балки ғарб давлатларининг режалари ҳам барбод бўлди. Иттифоқчилар учун ғалаба қимматга тушди. Англия Франция ҳукуматлари ўртасидаги ихтилофлар урушни тўхтатишга ёрдам берди. Европада муқаррар суратда инқилобий ҳаракатнинг авж олишидан хавфсираш ғарб давлатларини Россия билан тезроқ сулҳ тузишга мажбур этди.

Енгилиш натижсида Россия кучсизланиб қолди, унинг халқаро роли ва Европа ташқи сиёсатида таъсири камая бошлади. Қрим урушидан кейин чоризмнинг халқаро роли заифлашганлиги муносабати билан Умум Европа ишларига Англия, Франциянинг, кейинчалик эса Пруссиянинг ҳам таъсири кучайди.

Урушда ғалаба қозонган Англия ва Франция ўз мақсадларига эришдилар. Яқин Шарқда ўзларининг таъсирини ўрнатишга муваффақ бўлдилар. Россияга туташ вилоятлар устидан турклар зулмини қўллаб-қувватлади. Россиянинг кучсизланганлиги, Қора денгизни эгасизлантирилганлиги ва Туркиянинг қарам аҳволга тушиб қолганлиги Англияга Яқин Шарқ мамлакатларида савдо-сотиқ ишларини олиб бориш имкониятини берди.

Мана шундай тарзда Чор Россиясининг Яқин Шарқдаги режалари амалга ошмади. 1877 – 1878 йиллардаги уруш оқибати жуда катта натижаларга олиб келди. Сан-Стефанода имзоланган сулҳ шартномасига кўра Туркия Черногория, Сербия ва Руминиянинг тўла мустақиллигини тан олди. Шу билан бирга Черногория ва Сербия ўзининг ҳудудини кенгайтириб олди. Янги Болгар князлиги вужудга келди ва ўз ичига Дунайдан тортиб Эгей денгизига қадар болгар аҳолиси бўлган барча майдонни камраб олди. Босния ва Герцоговина автономия олди. 1856 йилда Руминияга қўшиб олинган Бессарабиянинг бир қисми Россияга қайтарилди, бунинг эвазига Руминия Добружани олди. Осиёда Россияга Ардаган, Батум, Карс, Боязид қайтариб берилди. Туркия зиммасига 310 миллион сўм контребуция тўлаш мажбурияти юкланди.

Сан-Стефано сулҳ шартномаси Болқонда руслар таъсирини кучайтирди.

Англия ва Австрия-Венгрия Яқин Шарқда Россиянинг бундай кучайишини истамас эди, шунинг учун Сан-Стефано шартномасини моддаларига қатъий норозилик билдирдилар, натижада Россия янги рақиблар билан урушни давом эттиришдан қочиб, Туркия билан имзоланган сулҳ шартномаларини қайтадан кўриб чиқиш учун халқаро конгресс чақирилишиги рози бўлдилар. Россия дипломатияси конгрессда мамлакат манфаатлари Бисмарк Томонидан қўллаб-қувватланишига умид боғлади. Берлин конгресс ўтказиладиган жой сифатида танланди. Лекин конгрессда Россия яқкаланиб қолди. “Бисмаркнинг конгрессдаги “халол даллолчилиги” шунда кўриндики, рус дипломатияси илгари инглизз ҳамда Австралияликлар билан келиша олмаган барча муҳим масалаларда у Россиянинг мухолифларини қўллаб-қувватлади”¹. Конгрессдаги дипломатик курашларнинг якуни Россия ҳамда жанубий славянларнинг манфаатларини Сан-Стефано сулҳининг шартларига нисбатан сезиларли даражада чеклади.

Болгар князлиги автономия сифатида тан олинди аммо унинг ҳудуди Болқондан Дунай бўйлаб шимол томонга бўлган майдон билан чекланди. Болқондан жануб томонга эса Султон ҳокимияти остида (христиан генерал губернатор бошчилигида) шимолий Руминия автоном вилояти ташкил этилди. Македония Туркияда қолди. Черногория, Сербия ва Руминия мустақил деб эълон қилинди. Бироқ Черногория ҳамда Сербия ҳудудлари қисқартирилди, россиянинг территорияга эгаллиги куйи Дунай, Осиёда эса Ардаган Батум ва Карс билан чегараланди. Контребуция илгариги ҳажмда тасдиқланди. Берлин битими қабул қилинишидан Россиянинг Туркия билан урушмаган мухолифлари яхши фойдаландилар.

Австрия-Венгрия Босния ва Герцоговинани эгаллаш ва уни бошқариш ҳуқуқини олди. Англия эса (Туркия билан яширин келишувга мувофиқ) Кипр оролини эгаллади, бу ерни кейинчалик ҳарбий денгиз базасига айлантирди.

Берлин шартномаси Россиянинг Европадаги сиёсатига ҳам таъсир кўрсатди, конгрессда Бисмарк тутган йўл Рус-Герман муносабатларининг кескин ёмонлашиб кетишини таъминлаб берди. Натижада кейинчалик бу Германия билан Австрия-Венгрия ўртасида Россияга қарши иттифоқ тузилишига олиб келди ва Россиянинг Франция билан яқинлашишига шарт – шароит туғдирди. “Франциянинг Англия билан яқинлиги эса бу ҳамкорликка эндиликда Россияни ҳам жалб қилиш заруратини келтириб чиқарди. Берлин

¹ Галкин И.С. Германская внешняя политика во второй половине XIX в. М.: 1963. стр.43.

конгрессидан сўнг нихоятда чигаллашиб кетган халқаро муносабатлар ривожига охиросиёбатда илк харбий-сиёсий блоклар – Учлар иттифоқи ва Антанта вужудга келди”¹.

¹ Федоренко В.Е. Балканский вопрос в XIX – начале XX вв. М.: 1981. стр-63.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол мафкура. Асарлар тўплами. I-жилд. Т.: “Ўзбекистон”. 1996.
2. Каримов И.А. биздан озод ва абод Ватан қолсин. Т.: Т-2. “Ўзбекистон”. 1996.
3. Каримов. И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари. – Т. 1997.
4. Каримов. И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т. Шарқ. 1998.
5. Каримов. И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т. 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: 2011.
7. Бескровный Л.Г. Русская армия и флот в XVIII века. М.: 1958.
8. Достян И.С. Борьба сербского народа против Турецкого господство XVI-XIX веках. М.: 1958.
9. История Болгарии. М.: 1954. Т-1,-2.
10. История южнқх и западнқх словян. М.: 1957.
11. Карасев В.Г. Основные черты социально экономического развития Сербии в конце 60 х –начале 70х годов XIX века. М.: 1952.
12. Орешкова С.Ф. Русского – Турецкие отношения в начале XVIII века. М.: «Наук». 1971.
13. Полеолог Г. Исторический очерк народной воны за независимости Греции. Т.1,-2. М.: 1967.
14. Писарев Ю.А. Освободительная борьба народов Боснии и Герцоговины и Россия 1850-1864. Документы. М.: 1985.
15. Роллер М. История Румынии. М.: 1950.
16. Рейснер И.М. История стран зарубежного востока. М.: 1952.
17. Тарле Е.В. История XIX века. М.: 1939.
18. Тодоров Г.Д. Болгарская общественность и русско-Турецкая война 1877-1878 годов. М.: 1958.
19. Шеремет В.И. Османская империя и Западная Европа во второй третий XIX века. М.: 1986.